



2030 йилда ялпи ички маҳсулот

2



Журналистларнинг касб этикаси кодекси қабул қилинди

6



Ярашув институти

7



«ЕРТЎЛА» ЧЕМПИОНЛАРИ

8



№58-59
2019-йил, 23-йул
Seshanba (32.549)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

Улуглардан улугимсан, Ватаним!

O'zbekiston O'VOZI

Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!

Оролга алвидо айтилмайди

Исон мол-мулкини йўқотса, яна қайта топиши мумкин. Обрусини йўқотса, тиклаб олиш имконияти бор. Амалидан ажралса, бир кун омади келиб, яна амалга муносиб кўрилар... Аммо халқ денгизини йўқотса нима бўлади?... Бунинг устига, ягона денгизини... Йўқолган денгизни Яратган яна қайтарармикан?... Қуриган денгиз яна сувга тўлганини кўрганлар бормикин?..

Бу саволлар олимлар, мутахассисларга тегишли. Эҳтимол қай бир замонда қайсидир қуриган денгиз ўрнида яна денгиз пайдо бўлгандир? Эҳтимол, фақат эртақлардагина қуриган денгиз яна қайта денгизга айланар?... Ўлган денгиз қайта тирилар?..


Қайси бир юртда, қайси бир денгиз нима бўлган бўлса, бўлгандир, нима қисмат кўрган бўлса, кўргандир. Аммо Мўйноқ туманида яшовчи эл, бир пайтлар улкан Орол денгизининг чайқалиб-чайқалиб, тўлиб-тошиб турганини, қудратли тўлқинларини кўрганлар, бу денгизда кемаларда балиқ овлаганлар, бу денгизда мириқиб чўмилганлар. Орол барибир бир кун қайтади, яна сувга тўлади, деган умид билан, ишонч билан яшамоқда. Денгизга алвидо, дейишга ҳали-ҳануз уларнинг тили бормайди.

Оролдан узоқда яшаганларга бу дард унчалик сезилмаслиги мумкин. Аммо Мўйноқда туғилиб, кўз очиб, денгизни кўрганлар, денгиз билан улғайиб, денгиз билан яшаганлар денгизсиз қолиш қандай йўқотиш эканини яхши билишади.

Улар — ёши улуглар бугун денгиз билан боғлиқ хотиралар билан яшашмоқда, болалик ва ёшлиқларини эслашса, денгиз ёдларига тушади, денгизни эслашса, болалик ва ёшлиқлари ёдга тушади.

Бугунги навқирон авлод Орол денгизи ҳақида кексалардан ажойиб, ғаройиб ҳикоялар тинглашади, эртақ эшитгандай бўлишади. Бир ишониб, бир ишонишмайди...

Давоми 5-бетда. ▶



МЎЙНОҚДА ТОНГ ОТМОҚДА

Орзу-ниятларга, янгиликларга тўла тонг, гўзал бир тонг...

САЙЛОВ КОДЕКСИ ВА САЙЛОВГА ТАЙЁРГАРЛИК ҲАҚИДА

ANISH YILI

MOIY SAMARADORLIK!



САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИГА БОҒЛИҚ ЯНГИЛИКЛАР ВА УЛАРГА МУНОСАБАТЛАР

ЎзХДП Марказий Кенгашида ўтказилган видеомулоқотда яқинда қабул қилинган Сайлов кодекси бўйича мулоҳаза юритилган эди.

Ушбу масалада партиямиз фаоллари қандай фикрда? Сайловга тайёргарлик кўриш, депутатликка номзод кўрсатишда қанақа таклифлар бор?

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2019 йил 23 июлдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, боғхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сумма нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

1 АҚШ доллари	8624,51
1 ЕВРО	9676,70
1 Россия рубли	136,92
1 Англия фунт стерлинги	10780,64
1 Япония иенаси	80,08
1 Жанубий Корея вон	7,34
1 Кувейт динори	28351,45
1 Малайзия ринггити	2097,40
1 Хитой юани	1253,34
1 Сингапур доллари	6341,55
1 Швейцария франки	8786,18
1 БАА дирҳами	2348,21
1 Миср фунти	520,49
1 Австралия доллари	6073,38
1 Туркия лираси	1525,62
1 СДР	11931,32
1 Канада доллари	6603,76
1 Украина гривнаси	335,45
1 Польша злотийси	2276,38

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

СПОРТ

ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИДА 7 МЕДАЛЬ

Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуасида қаратэ WKF бўйича катталар ўртасидаги 16-Осиё чемпионати якунига етди. Мусобақанинг яқалик беллашувларида ўзбекистонлик қаратэчилар 3 олтин, 1 кумуш ва 2 бронза медалига сазовор бўлишди.

Жамоавий кумите баҳсларида терма жамоамиз бронза медалини қўлга киритди. Дастлаб Жанубий Корея ва Кувейт вакиллари билан мағлуб этган қаратэчиларимиз ярим финалда Саудия Арабистони жамоасига имкониятни бой берилди. Бронза медали учун кечган баҳсда эса Ўзбекистон терма жамоаси иорданиялик қаратэчилар устидан 3:2 ҳисобида устун келди.

Ўз мухбиримиз.



МУНОСАБАТ

УМРНИНГ ҲАР ЛАҲЗАСИ ГЎЗАЛ



Асатилло БЕРДИКУЛОВ, «Абдулла Қодирий» номли фермер хўжалиги раҳбари, халқ депутатлари Сардоба туман Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси, «Меҳнат шухрати» ордени соҳиби, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими:

— Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Сирдарё вилоятига ташриф буюриши, одамларнинг яшаш шароити, бунёдкорлик ишлари билан танишиши, деҳқон ва фермерлар билан учрашиши бутун сирдарёликларни кўнглини тоғдек кўтарди. Бу мулоқот юртдошларимизда эртанги кунга ишончни мустаҳкамлади. Одамларда ислохотларга, Ватан тақдирига дахлдорлик туйғуси янада кучайди.

25 йиллик фермерлик фаолиятим давомида Президентимиз билан бир неча марта кўришиш бахтига муяссар бўлдим. У киши фермер хўжалигимизда ҳам бўлиб, биз билан юзма-юз суҳбатлашган. Меҳнатларимизга юқори баҳо берган. Муаммоларимизни ечишга қўмаклашган. Фермер хўжаликлари истиқболи ҳақида биз билан маслаҳатлашган. Ховосдаги учрашувида Президентимиз менинг фикрим билан ҳам қизиқди. Ғалладан юқори ҳосил олганимиз билан бизни табриклади. Энди барча эътибор пахта ҳосилдорлигини оширишга қаратилиши кераклигини алоҳида таъкидлади. Сирдарё шароитида қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантиришга муҳим масала сифатида қараш лозимлигини уқтирди.

Фермер хўжалигимиз тасарруфида 467 гектар ер бўлиб, шундан 360 гектарга ғалла, 140 гектарига пахта экилган. Бу йил ғалладан ҳар гектаридан 62 центнердан сара дон олдик. Хўжалигимизда меҳнат қилаётган 55 нафар ишчи-хизматчи ҳам дон-дун улашдик. Одамлар қилган меҳнатига, олган даромадига рози бўлишди.

Бугун фермерга ҳамма қўмакчи. Барча муаммолар мутасаддилар томонидан жойида ҳал этилмоқда. Фермер хўжалиқларини янада ривожлантириш бўйича бир қатор ўзгаришлар юз бермоқда. Бир сўз билан айтганда, ишнинг кўзини билган фермер бой бўлмоқда, косаси оқармоқда. Масалан, пахтанинг харид нархи ўтган йилгига нисбатан қарийиб 1,3 баробарга ошди. Бунинг натижасида деҳқоннинг манфаатдорлиги янада кучайди. Деҳқончиликда ҳар бир кун ғанимат, вақтида ишлов бермаган, ўғит солмаган ёки сув қуймаган деҳқоннинг юқори ҳосил қутишга ҳаққи йўқ. Ҳаммаси меҳнатга яраша. Тўғри, бу йил қишлоқ хўжалиги учун осон кечмади. Баҳорнинг серёгин келиши деҳқоннинг машаққатини янада оширди. Жуда кўп жойларда чигит қайта-қайта экилди. Лекин чин дилдан меҳнат қилган одам барибир кўзланган ҳосилни олишга эришади. Шу кунларда барча эътиборни гўза парварлишига қаратганмиз. Август ойи азал-азалдан пахта ҳосилига ҳосил қўлиш охири хисобланади.

Президентимизнинг вилоятларда бўлишини, халқ билан мулоқот қилишини мен чин юрагимдан қўллаб-қувватлайман. Бу суҳбатларда жуда катта-катта муаммоларга ечим топишмоқда. Жойларда қурилиш ва обodonчилик ишлари авж олмоқда. Одамларда умид уйғонмоқда. Бир сўз билан айтганда, бугунги кунимиз кечагидан, эртамин бугунгидан яхши бўлади.

Мамлакатимиз раҳбари билан бўлган ҳар бир учрашув кучимга-куч, ғайратимга-ғайрат қўшади, янги марраларга ундайди.

Барчиной ҲАМИДУЛЛАЕВА
ёзиб олди.

«Ўз ишидан қониқмаслик — яхши хислат».

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

2019 йил 22 июль куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мамлакат ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ҳаётининг турли соҳаларида амалга оширилаётган ислохотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш мақсадида кўриб чиқилган бир қатор қонун лойиҳалари сиёсий партияларнинг парламент куйи палатасидаги фракциялари ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи йиғилишларида ҳам дастлабки тарзда қизгин муҳокама қилинган эди.

Депутатлар жариманинг 70 фоизини тўлаш ғоясини илгари сурди

Шу боис, депутатлар ишни «Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисидаги» қонун лойиҳасини батафсил кўриб чиқишдан бошладилар. Қайд этилганидек, ушбу лойиҳанинг асосий мақсади мамлакат илм-фани ва илмий салоҳиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, иқтисодиётни ривожлантиришда фан-техниканинг ҳис-сасини ошириш, бажарилаётган илмий тадқиқотларнинг сифати ва самарадорлигини юксалтириш, илм-фан, таълим ва ишлаб чиқариш ўртасидаги ўзаро узвий-ликни мустаҳкамлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Ҳуқумат томонидан «Фан тўғрисида» номи билан палатага киритилган лойиҳани иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида у 10 та модда билан тўлдирилиб, лойиҳа 48 та моддалардан иборат бўлди. Асосий тушунчаларни қамраб олган моддалардан воз кечилиб, илм-фан ва илмий фаолият соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга доир ўта аҳамиятли ҳолатлар алоҳида моддаларда тўғридан-тўғри меъёрлаштириб қўйилди. Илм-фан ва илмий фаолият соҳасида ҳал қилувчи аҳамиятга эга масалалар — илм-фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, илмий фаолиятга оид давлат дастурлари, давлат мақсадли дастурлари, давлат ҳудудий дастурлари, илм-фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг узвий боғлиқлигига оид янги моддалар киритилди. Шунингдек, илк бор илм-фан ва илмий фаолият соҳасини молиялаштириш масаласи қонун даражасида белгилаб қўйилмоқда.

Депутатлар мазкур қонуннинг қабул қилиниши илмий ва илмий-техникавий фаолият соҳасидаги ҳуқуқий, молиявий, ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг тартибга солинишида ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилишини қайд этдилар.

Шундан сўнг «Валютани тартибга солиш тўғрисидаги» Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси муҳокамасига ўтдилди. Таъкидланганидек, мазкур лойиҳада валютани тартибга солиш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишда иқтисодий чораларнинг устуворлиги, валюта операцияларида давлат органларининг ноқонуний аралашувиغا йўл қўйилмаслиги, валюта курсини аниқлашда фақатгина бозор механизмлари қўлланишини назарда тутуви қондалар белгиланмоқда. Шунингдек, амалдаги қонундаги баъзи нормалар ўзининг долзарблигини йўқотгани сабабли тубдан қайта кўриб чиқилмоқда.

Депутатларнинг фикрича, хорижий валютани эркин сотиб олиш ва сотиш имконияти ва миллий валюта айирбошлаш курси бозор механизмларида фойдаланган ҳолда белгиланиши мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ички ва ташқи бозордаги рақобатдошлиги ва рентабеллигини ошириш билан бир қаторда, мамлакатимизда инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни қўлайитириш, ҳўжалик юртуви субъектлар томонидан янги технологиялар ва билимларни жалб қилиш, экспорт имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилади.

Мажлисда баҳс-мунозараларга бой бўлган масалалардан яна бири — иккинчи ўқишда кўриб чиқилган «Банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги» Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси бўлди. Айтиб ўтилганидек, амалдаги қонуннинг айрим нормалари ҳалқаро стандартларга мос келмаслиги, Марказий банк банклар фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш бора-сида етарли ваколатларга эга эмаслиги натижасида тизимда тартибсизликларга чек қўйиш қийин кечмоқда. Таклиф этилаётган, тўғридан-тўғри амал қилувчи нормаларни ўз ичига олган, илгор хорижий тажриба, умумэътироф этилган нормалар ва стандартлар асосида ишлаб чиқилган мазкур қонун лойиҳаси билан банк ташкил этиш учун дастлабки рухсат бериш, уни давлат рўйхати-га олиш ва фаолиятини лицензиялаш тартиби, шунингдек, инвесторлар Марказий банк рухсатини олмасдан банк акцияларини сотиб олиш тартиби таъминлаштирилмоқда. Банки қайта ташкил этиш, лицензияни қақриб олиш асослари, банклар фаолиятини тўхта-тиш ва уларни тугатиш, шу жумладан, ихтиёрий ва мажбурий тугатиш ҳамда тугатувчининг ваколатлари ва мажбуриятлари ҳам белгиланмоқда. Банклар

фаолиятини тартибга солиш тизими таъминлаштирилмоқда.

Депутатларнинг фикрича, ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши республика банк тизимининг барқарорлигини оширишга, банклар ўртасида соғлом рақобат муҳити яратилишига, омонатчилар ҳамда банк хизматларида фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилади.

Шундан сўнг кўриб чиқилган «Фуқаролик ҳолати далолатномалари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокамаси ҳам қизгин кечди. Ҳозирда мамлакатимизда фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этишни ҳуқуқий тартибга солиш Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, кодекслар (Фуқаролик ва Оила кодекси), қонунлар, қонуности ҳужжатлари, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда халқаро шартномалар ва келишувлар нормаларига мувофиқ амалга оширилади. Шулардан кўриниб турибдики, фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш тартиб-таомиллари, фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этишни органларнинг ҳуқуқий мақоми ва ваколатлари, ФХДЭ органларининг ўзаро ҳамкорлик, фаолиятини мувофиқлаштириш тартиби қонун даражасида аниқ белгиланмаган.

Ана шу ҳаётий эҳтиёждан келиб чиқиб палатага киритилган қонун лойиҳаси фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этишни барча органларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, ФХДЭ органлари ходимларининг фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш бўйича хизмат кўрсатиш жараёнидаги жавобгарлигини белгилашга имкон беради, шунингдек, барча фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш тартибини аниқлаштиради.

Узоқ давом этган баҳс-мунозара, тортишувлардан сўнг мазкур лойиҳа депутатлар томонидан концептуал жиҳатдан қўллаб-қувватланиб, биринчи ўқишда қабул қилинди.

Мажлисда «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси муҳокама мунозараларга бой кечди.

Суд фақат жазо тайинловчи орган деган эси тушунчалар, қонун нормалари эса, шундай жазоларни қўллаш учун ҳуқуқий асос деган нотўғри талқинлар депутатларнинг сўнгги йиллардаги қатор саъй-ҳаракатлари туфайли ўзгараётгани, жамоатчилик томонидан депутатларнинг қатор таклифлари, ташаббуслари қўллаб-қувватланаётгани сир эмас. Ушбу қонун лойиҳаси устида олиб борилган ишларда депутатларимиз суд ҳам, қонунлар ҳам адолат ўрнатил-тишга хизмат қилиши зарур, деган ғояга суяниб, уни такомиллига етказдилар. Лойиҳа муҳокамаси давомида унинг асл моҳиятини сақлаб қолишга ҳаракат қилдилар. Шунинг учун мажлисда кўриб чиқилган қонун лойиҳалари ичида энг қўп овоз тўплаб қабул қилинган ҳужжатлардан бири мазкур лойиҳа бўлди.

Лойиҳа суд томонидан жарима солиш тўғрисидаги қарор топширилган санадан бошлаб ўн беш кун ичида жарима миқдорининг етмиш фоизи ҳуқуқбузар томонидан ихтиёрий равишда тўланган тақдирда у қолган суммани тўлашдан озод этилишини назарда тутуви маъмурий жарима солиш тўғрисидаги қарорларни ижро этишининг соддалаштирилган тартибини жорий этишни назарда тутди. Маъмурий жарима солиш тўғрисидаги қарор устидан шикоят қилинганда ёки протест келтирилганда, маъмурий жазо қўлланилгандан кейин бир йил давомида ҳудди шундай ҳуқуқбузарлик такроран содир этилганда қўлланилмаслиги қайд этиб ўтилган.

Депутатларнинг қайд этишича, таклиф қилинаётган ўзгартиришларнинг амалиётда қўлланиши фуқароларни тайинланган жарималарни ўз вақтида тўлашга рағбатлантиради, улар учун қўшимча қўлайликлар яратди, шунингдек, маблағлар ўз вақтида Давлат бюджетига келиб туши-шини таъминлайди.

Мажлисда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчи-лик палатаси ваколатларига тааллуқли бошқа масалалар ҳам муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати

МАҚТАНИШДАН ФОЙДА ЙЎҚ

Бугун ўз ишига танқидий ёндашган партия ютади

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси жорий йил биринчи ярим йиллигидаги фаолияти яқунлари юзасидан матбуот анжумани ўтказди.

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракция раҳбарининг ўринбосари Абдуғаф-фор Қирғизбоев фракция фаолияти ҳақида атрофлича маълумот берди.

Таъкидлангани, фракция фаолияти парламентга йўлланган муносабатнома асосида янги йўналишда ташкил этилди. Хусусан, Давлат дастурининг ижроси билан боғлиқ масалаларда депутатлик бирлашмалари ва партия фаоллари иштирокини таъминлашга доир семинар-тренинг, амалий маш-гулотлар ташкил этилди.

Қайт этилдики, фракция аъзолари барча йўналишдаги фаолиятида асо-сий эътиборни амалий ишларга қарат-ди. Жумладан, қонун ижодкорлигига алоҳида эътибор берилди. Фракция йиғилишларида 109 та қонун лойиҳаси ўрганиб чиқилди, 12 та қонун лойиҳа-сига фракция аъзолари ташаббуси би-лан концептуал ўзгартиришлар кир-и-тишга эришилди.

Шунингдек, Қонунчилик палатасига киритилган қонун лойиҳалари бўйича 134 таклиф ишлаб чиқилди, улардан 120 таси қонунларни қабул қилиш жа-раёнида инобатга олинди. «Марказ-ви-лоят-туман» тизими орқали 79 та қо-нун лойиҳаси тўғридан-тўғри жойларга партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳларига муҳокама учун юборилди, улардан 120 дан ортиқ таклиф олин-ди. Фракция аъзолари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари то-монидан тайёрланган 8 та қонун лойи-ҳасини ишлаб чиқишда ташаббускор бўлишди.

Шунингдек, 2019 йил бошидан фракция фаолиятида қонун ижодкор-лигини ташкил этиш мақсадида янги йўналиш жорий этилди. Яъни, Қонун-чилик палатасига кириб келган қонун лойиҳалари фракцияда алоҳида руй-хатдан ўтказилиб, дастлабки муҳоқа-малардан сўнг партия ташкилотлари орқали жойларга юбориш ва тўғридан-тўғри муҳокама қилиш тизими жорий этилди. Натижада 79 та қонун лойиҳа-сига маҳаллий Кенгашлардаги ЎзХДП гуруҳи аъзолари, партия фаоллари 200 дан ортиқ таклиф ва мулоҳаза берди. Мазкур жараён «Қонунларнинг бирдан-бир манбаи ва ижодкори халқ бўлиши керак», деган тамойилга хиз-мат қилмоқда.

Бундан ташқари, «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»-ги қонуннинг 37-моддасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича так-лифлар ишлаб чиқилган эди. Фракция-нинг таклиф мулоҳазаларидан келиб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасининг қаро-ри асосида ногиронлиги бўлган боласи-ни тарбиялаётган оналарга пенсияга чиқаётганда камида 7 йиллик иш ста-жига эга бўлиши шартлиги амалиёти бекор қилинди.

Парламент ешитувлари депутат-ларнинг сайловчилар билан муло-қотларида кўтарилган долзарб муам-молар асосида ташкиллаштирилди. Уларда маҳаллий Кенгаш депутат-ларининг иштирокини таъминлаш

амалиёти жорий қилинган.

Жорий йилги Давлат дастурининг 1-бандига асосан парламент аъзолари ҳар ойнинг охири ҳафтаида ўз сай-лов округига чиқиб, муаммоларни ти-зимли равишда ўрганиб берди. Депу-татлар ҳар ойнинг охири ҳафтаида, яъни 6 марта ўз сайлов округларида бўлишди. Мазкур мулоқотлар давоми-да фуқаролар томонидан 3 485 та ма-сала кўтарилган. Уларнинг аксарияти



(90 фоизга яқини) ҳудудларнинг ўзида маҳаллий мутасаддилар билан бирга ҳал этилди. Қолганлари Қонунчилик палатасида тегишли вазирлик-идора раҳбар ва масъуллари иштирокида кенгайтирилган йиғилишларда муҳока-ма қилинди. Айрим масалалар юзаси-дан тушунтириш сўраб, тегишли соҳа-лар раҳбарларига депутатлик сўровла-ри юборилди.

Бундан ташқари, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш ва дори воситалари таъминотини янада яхшилаш, қонун-чиликни самарали татбиқ қилиш, исло-хотларнинг самарадорлигини таъмин-лашга қаратилган таъсирчан парла-мент, депутатлик ва жамоатчилик на-зорати давом эттирилди. 14 та туман ва шаҳарда ўтказилган сессияларда соғлиқни сақлаш бўлимининг ҳисо-ботлари эшитилди.

Фракция ҳар ойда депутатлар жой-лардан қайтганда, сайловчилар томо-нидан кўтарилган масалаларни таҳлил қилиб, ижро ҳокимиятининг масъул вакиллари жалб этган ҳолда муҳока-малар ўтказиб келди.

Анжуманда шу ва яна бошқа кўп-лаб масалалар ҳусусида атрофлича маълумот берилди. Белгиланган маъ-рузадан сўнг журналистлар саволлар билан муносабат қилди.

Савол:

— Жойларда сайловчилар билан учрашувлар давомида кўтарилган масалалар юзасидан юборилган де-путатлик ҳамда парламент сўровига мутасаддиларнинг муносабати қан-дай бўлмоқда?

Турсунпўлат НОРБОВЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик пала-тасидаги Ўзбекистон ХДП фракция-си аъзоси:

— Тўғриси, парламент сўровлариға муносабат дастлабки босқичда у қадар сезилмади. Икки-уч йил давомида бир неча марта юборган парламент сўров-ларимиз жорий йилда қайта йўлланди. Қарангки, бир марта юборилган сўров-га аввалгидек, бошқарма бошлиқлари ёки вақтинча раҳбарлик вазифасини бажарувчилар эмас, вазирлар имзоси билан жавоблар келмоқда. Асосийси, кўтарилган муаммолар ҳал этиляпти.

Масалан, Сурхондарё вилояти Узун ва Денов туманларидаги магист-рал йўлнинг аянчли аҳоли ҳақидаги сўровимга кўп бора белисандилик би-лан қаралган эди. Бу йил вазир назо-

ўтказиш билан боғлиқ муаммолар ечи-мига хизмат қилувчи қонун қабул қили-нишида алоҳида ташаббус кўрсатди.

Бўлар ўз йўлига. Лекин эртага сар-ҳисоб қилиш вақтида яна нима қилдик, нималарни бой бердик ёки қила ола-миз, деган савол атрофида бош қоти-ришимиз керак. Ўзимизга мана шулар асосида вазифа қўйишимиз зарур.

Қонунлар ёмон бўлмади, бироқ улар ўзидан ўзи амалга ошмайди. Қо-нунларни жамият ҳаётига татбиқ қи-лишда депутатлар, партия фаоллари бево-сита ва бош иштирокчи бўлиши-миз лозим, деб ўйлаётган.

Бунёд ЭШОНҚУЛОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик пала-тасидаги Ўзбекистон ХДП фракция-си аъзоси:

— Тўғриси, авваллари жойларга чиқиб, хонадонма-хонадон юрмага-нимиз учун ҳақиқий аҳвол ҳақида бу қадар чуқур тасаввурга эга эмасдик. Энди эса хонада ўтириб қабул қилин-ган қонунлардаги камчиликлар кўри-ниб қолди.

Мисол учун, соғлиқни сақлаш со-ҳасига алоқадор қонунчиликда врач хонаси беморлар ётадиган хонадан катта бўлиши кераклиги белгиланган. Мантиқан эса бу нотўғри. Аслида бе-морлар хонаси каттароқ бўлиши талаб этилади. Ногиронларга компенсация бериш ҳуқуқини тиклаш бўйича ҳам таклиф ишлаб чиқилмоқда. Ёки на-фақа беришни олайлик. Кўп болали оилаларга нафақа тўлаш тартиби жо-рий этилган. Аммо қария, баъзи ёлғиз яшайдиган шахслар учун бундай тўлов бекор қилинган. Шу тартиб нотўғри иш-лаётганига ғувоҳ бўлдик. Пенсия ва нафақалар аҳолининг ижтимоий ҳолатидан келиб чиқиб белгиланиши кераклиги ҳақидаги таклифларимиз-ни тайёрладик. Келгусида мана шу йўналишдаги ишларимизни янада ку-чайтириб, сайловолди дастуримида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлашга бор кучимизни сафарбар этамиз, албатта.

Матбуот анжуманида фракция аъ-золари яна қатор саволларга жавоб берди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси Улуғбек ИНОЯТОВ фикрлар ҳамда берилган маълумотлардан келиб чиқиб, ўз му-лоҳазаларини билдирди.

— Анжуман давомида берилган саволларга жавоб қайтаришда айб-дорни, жавобгарни, масъулни қи-диришга уринишдан воз кечишимиз керак, — деди партия етакчиси. — Журналистнинг биргина саволидан барчамиз сергак тортиқ ва бунинг учун ОАВ ходимларига раҳмат айти-шимиз лозим. Чунки уларнинг бугунги танқидий руҳдаги саволлари эртанги фаолиятимизга ижобий таъсир кўр-сатади. Шунинг учун ўзимизни ўзимиз озгина танқид қилишни ўрганишимиз зарур. Келинг, йил якунига қадар ҳар куни бир марта ўзимизга виждонан ҳисоб берайлик. Ўз ишидан қониқмас-лик — яхши хислат. Доим фаолияти-мизга танқидий жиҳатдан ёндашсак, сайловда кўпроқ овоз олишга, тараф-дорларимиз сафини кенгайтиришга эришамиз.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

2030 йилда ялпида ички маҳсулот киши бошига 4500 АҚШ долларини ташкил этиши тахмин қилинмоқда

АНЖУМАН

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агент-лигида Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ярим йилликда эришилган натижалар ҳусусида матбуот анжумани ўтказди.

Жорий йилнинг январь-июнь ой-ларида ялпи ички маҳсулот ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 5,8 фоизга ўсди. Бунда саноат — 6,9, хизматлар — 12,7, чакана савдо ай-ланмаси — 6,4 ва кишлоқ ҳўжалиги 2,1 фоизга ўсиши иқтисодий юкс-алишининг асосий омил бўлиб хиз-мат қилди, — дейди Иқтисодиёт ва саноат вазири Ботир Ходжаев. — Шунингдек, жами инвестициялар 58,9 фоизга ўсди, қурилиш ишлари ҳажми 20 фоизга ўсди. Яна шуни айтиш мум-кинки, мамлакатимиз ташқи савдо бозорларида ҳам ўз ўрнини мустаҳ-камлашда давом этмоқда. Натижада январь-июнь ойларида ташқи савдо ҳажми 19,7 миллиард долларни (ўт-ган йилнинг мос даврига нисбатан 129,8 фоиз) ташкил этган бўлиб, экс-порт ҳажми 8,4 миллиард долларни (127 фоиз), импорт 11,2 миллиард долларни (132,0 фоиз) ташкил этди. Олти ойликда инфляция даража-си 5,56 фоизни ташкил қилди. Инф-ляция даражасини жиловлаш бўйи-

ча муайян ишлар амалга оширилди. Хусусан, истеъмол товарлари нархи-нинг ўсишига йўл қўймаслик мақсади-да Вазирлар Маҳкамасининг тегиш-ли қарорига асосан электр энергия, табиий газ ва сиқилган газ нархла-рининг оширилиши бекор қилинди. Ушбу ҳолат инфляция даражасини 0,49 фоизга жиловлаш имконини бер-ди.

Шунингдек, Марказий банк билан биргаликда инфляция даражасини белгиланган прогноз параметрлари доирасида сақлаш бўйича чора-тад-бирлар режаси ишлаб чиқилиб, Ўз-бекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳ-камасига киритилди.

Шу билан бирга, аҳоли бандлиги-ни таъминлаш ва ишсизлиқни пасай-тириш мақсадида ўтган давр мобай-лида республика бўйича жами 137,5 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратил-ган.

Яна шуни айтиш мумкинки, рес-публика аҳолисининг даромади ва



турмуш даражасини ошириш бўйича жорий йилнинг биринчи ярмида аҳо-ли жон бошига умумий даромад ўтган йилнинг мос даврига нисбатан номинал қийматда 19,4 фоизга ошиб, инф-ляцияни ҳисобга олган ҳолда реал қиймати эса 5,2 фоизга ўсди. Ўртача йиллик иш ҳақи ва пенсияларнинг ўсиши мос равишда 14 ва 7 фоизни ташкил этди. Шунингдек, аҳоли жон бошига реал даромадларни энг кўп ўсиши Тошкент шаҳрида, яъни 12,6 фоиз ва Қорақалпоғистон Респу-бликасида эса 9,4 фоиз қузатилди.

Даромадлар таркибида тадбир-корлик фаолиятидан олинган даро-мадларнинг улуши сўнгги 2 йилда деярли ўзгармай 60 фоиз атрофида

сақланиб келмоқда. Шунингдек, тадбирда Ўзбекистон Республикасини 2030 йилга қадар ижтимоий-иқтисодий комплекс ри-вожлантириш концепциясида бел-гиланган устувор вазифалар ва чо-ра-тадбирлар амалга оширилиши мамлакат иқтисодиётини ўртадан юқори даромадли мамлакатлар гу-руҳи (Ожахон банки тавсияси бўйича) га кириш имконини бериб, 2030 йил-да ялпи ички маҳсулот киши бошига 4500 АҚШ долларини ташкил этиши тахмин қилинаётгани айтилди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Биз Президентимизнинг юксак ишончини оқлаймиз!

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИДАГИ ПАХТАЧИЛИК ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ ҲАМДА КЛАСТЕРЛАРИ ИШЧИ ВА ХОДИМЛАРИНИНГ МАМЛАКАТИМИЗНИНГ МИРИШКОР ФЕРМЕР ВА ДЕҲҚОНЛАРИГА МУРОЖААТИ

Қадри дўстлар!

Мухтарам Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев 2019 йил 18 июль кунин вилоятимизга ташрифи чоғида пахта далаларида бўлиб, ўза ривож билан яқиндан танишди.

Давлатимиз раҳбари биз — фермерлар билан бўлган учрашувда бу йилги мавсумни пахтачиликда ҳам муваффақиятли якунлаш бўйича олдимизда турган вазифаларни алоҳида таъкидлаб, уларни ҳал этишини йўл-йўриқларини аниқ-равшан кўрсатиб берди.

Президентимизнинг: «Чўл қуёши ва ҳаёт синовларида тобланган, омилкор, азму шижоатли сирдарёлик фермерлар ўза парвариши борасида зарбдор 40 кунлик эълон қилиб, шу вақт мобайнида ўзларини аямасдан, астойдил меҳнат қилиб, вилоятда галла етиштириш бўйича эришилган ютуқлар тасодиф эмаслигини исботлайдилар, деб ишонаман. Воҳанинг азамат деҳқонлари қишлоқ хўжалигидан юқори ҳосил ва катта даромад олиб, фаровон ва бадавлат яшашга тўла ҳақлидилар. Бугун даладаги ўзининг баравж ривожини кўриб, бунга ҳар томонлама амин бўлдим», деган фикрлари бизни янада руҳлантириб юборди. Бу сўзлар биз учун албатта дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Ҳақиқатан ҳам, бу йилги мавсум пахтачиликда мўл ҳосил етиштириш учун жуда қулай келди. Бу борада қишлоқ хўжалиги ходимларининг моддий манфаатдорлигини ошириш, ўза парвариши қилишда агротехник ладбирларни ўз вақтида ва сифатли ўтказиш, соҳага инновацион технологияларни жорий этиш учун давлатимиз томонидан барча шароитлар яратиб берилганлиги биз — деҳқон ва фермерларнинг кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшмоқда.

Айниқса, пахтанинг харид нархи ўтган йилга нисбатан қарийб 1,3 баробар оширилиб, унинг 1 тоннаси учун 4 миллион сўм нарх белгилангани, имтиёзли кредитлар, минерал ўғитлар, ёқилги-мойлаш маҳсулотлари ўз вақтида жойларга етказиб берил-

лаётгани бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бундан ташқари, бу йилги об-ҳаво шароитида зарарли ҳашаротлар кўп бўлганини ҳисобга олиб, уларга қарши курашиш учун республикаимиз бюджетидан дотация сифатида 120 миллиард сўм, жумладан, Сирдарё вилояти фермерларига 10,5 миллиард сўм маблағ ажратилганини таъкидлаш зарур.

Бу йил пахтачиликка томчилатиб суғориш технологияларини жорий этган фермерларга давлат бюджети ҳисобидан ҳар бир гектар ер учун 8 миллион сўмдан субсидия маблағи ажратилганлиги омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Соҳа ривожига қаратилган яна бир амалий эътиборни алоҳида қайд этиш лозим. Икки йилдан буён фермер хўжаликлари ва сув истеъмолчилари уюшмаларига қарашли насос агрегатлари томонидан сарфланаётган электр энергияси қиймати давлат бюджетидан ажратиладиган субсидиялар ҳисобидан қоплаб берилмоқда.

Сўнгги йилларда қўшилган қийматга эга рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга асосланган пахта-тўқимачилик кластерлари ташкил этилаётгани пахтачилик тармоғидаги энг муҳим янгиликлардан бири бўлди.

Жорий йилда вилоятимизда 38 минг гектар ерда ёки умумий пахта майдонининг 52 фоизига 5 та замонавий кластер корхонаси фаолият олиб бормоқда. Улар томонидан 350 дан ортиқ янги қишлоқ хўжалик техникалари, харид қилинган чигит экишни 10-12 иш кунини якунлаш имконини берди.

Бу ислохотларнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, кластерларнинг тажрибали мутахассислари далага чигит екилганидан буён биз билан ёнма-ён туриб, ўза парвариши билан боғлиқ барча агротехник тадбирлар ўз вақтида ўтказилишига яқиндан кўмаклашмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг биз — фермер ва деҳқонларга кўрсатётган улкан эътибор ва ғамхўрлиги, камтарона меҳнатимизга бериб келаётган юксак баҳоси қалбимизга қувонч ва ғурур бағишлаб, ўз кучимизга бўлган ишончимизни

янада оширади, айни вақтда зиммамизга катта масъулият ҳам юклайди.

Бу масъулият биздан янада самарали меҳнат қилишни, қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари қатори пахтачилик бўйича зиммамизга олган шартнома мажбуриятимизни ҳам шараф билан адо этишимизни тақозо этишини албатта барчамиз яхши англаймиз.

Айниқса, ҳосил тақдирини ҳал қилувчи палла бошланаётган шу кунларда бу ҳақиқатни барчамиз чуқур ҳис этмоқдамиз.

Чиндан ҳам, машаққатли меҳнат ва катта харажат эвазига етиштирилаётган ҳосилни нафақат тўла сақлаб қолиш, балки уни янада кўпайтириш мақсадида қишлоқ хўжалиги ходимлари ва мутасаддилари, суви ва механикаторлар, аграр соҳа мутахассислари билан биргаликда барча фермер ва деҳқонлар масъулиятини икки қарра ошириб, куну тун далада бўлишимиз, бир тану бир жон бўлиб ишлашимиз ҳамда бу йил галла каби пахтадан ҳам мўл ҳосил ва юқори даромад олишимиз шарт.

Кўпни кўрган тажрибали фермер ва деҳқонларимиз июль-август ойлари ўза айни ривожланганидан, деҳқончасига айтганда, экин кечаю кундуз кучга кирадиган, ҳосил тўплайдиган энг долзарб палла эканини, бу даврда қандай агротехник ишлар амалга оширилиши зарурлигини жуда яхши биладилар.

Буни тўғри тушунадиган вилоятимиз фермерлари 2019 йил пахта ҳосили учун тузилган контрактация шартномаларини қайта қўриб чиқдилар. Натижада пахта етиштирадиган 1 минг 474 та фермер хўжалигининг 282 таси режадаги 26,7 центнер ўрнига гектаридан 40 центнердан, 897 таси 35 центнердан ва 295 таси 30 центнердан юқори ҳосил олиш учун янгитдан шартномалар тузиб, пахта тайёрлаш шартномавий режасини вилоят бўйича ошириб бажаришга қарор қилдилар.

Хурматли миришкор фермер ва деҳқонлар!

Биз — сирдарёлик фермер ва деҳқонлар, пахтачилик кластерларининг ишчи ва ходимлари ўза ривожига ўта долзарб аҳамиятга

эга бўлган ҳозирги кунларнинг ҳар бир дақиқасини ганимат билиб, 20 июлдан 30 августгача бўлган муддатни мамлакатимизда «Ўзадан қафолатли ҳосил яратишнинг 40 кунлик зарбдор ойлиги» деб эълон қилишни тақлиф этамиз.

Ана шу зарбдор давр мобайнида қуйидаги тадбирларни амалга оширишга жиддий эътибор қаратишимиз зарур, деб ҳисоблаймиз.

Биринчидан, ташкилий ишларни яна бир марта, бугунги кун талабидан келиб чиққан ҳолда, қайтадан, пухта режалаштириб олайлик.

Иккинчидан, деҳқонларимизнинг тўплаган кўп йиллик бой тажрибасига таяниб, замонавий илм-фан ютуқлари, инновацион агротехнологияларни қўллашга алоҳида эътибор қаратайлик.

Сир эмас, кейинги йилларда глобал иқлим ўзгаришларининг салбий оқибатлари юртимизда ҳам сезилмоқда. Жорий йил 11 июлдан буён республикаимизнинг барча ҳудудларида қуруқ ва жазира ҳаво сақланиб қолмоқда. Ҳарорат ўтган йилларнинг шу давридаги ўртача меъёрдан 5-7 даража юқори бўлмоқда.

Бундай ҳолат барчамиздан янада тадбиркорлик билан ишлашни талаб этади. Биз табиат инжиқликларини ўз билим, тажриба ва маҳоратимиз билан мардонавор енгиб ўтишимиз, ўтган йиллардаги натижалар билан чекланиб қолмасдан, янада юқори марраларни қўлаб иш тутишимиз лозим.

Шу кунларда сувчилар сонини икки баробар кўпайтириб, улар учун зарур шароитлар яратиб, кечаю кундуз ўзани сифатли суғоришни таъминлайлик.

«Зар қадрини заргар, сув қадрини суви билади», дейди халқимиз. Шу ҳикматга амал қилиб, сувнинг бир томчисини ҳам исроф қилмасдан, ўзани фақат тунда, қатъий тизим асосида, шарбат усулида суғориб, ўзанинг тағида доимо нам сақланишига алоҳида эътибор қаратайлик.

Учинчидан, мавжуд култиваторларни даладан чиқармасдан, уларнинг «отряд» ва «наряд» тизимида ишлашни ташкил этиб, суғорилган майдонлар тобга келиши билан уларни пешма-пеш «ма-

йин» култивация қилайлик.

Тўртинчидан, ўзани чеканка қилишни 25 июлга қадар тўлиқ якунлаб, зараркунанда ҳашаротларга қарши комплекс ёндашув асосида курашишни давом эттириб, ўзага махсус препаратлар билан ишлов беришга ҳамда ушбу тадбирларни куннинг салқин пайтларида амалга оширишга аҳамият берайлик.

Мухтасар айтганда, табиат ўзбек деҳқонларининг нимага қодир эканини, уларнинг сабр-бардоши, билим ва тажрибасини яна бир бор синовдан ўтказаятган шу кунлар барчамиз бир ёқадан бош чиқариб, муҳим агротехник тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириб, барча саъй-ҳаракатларимизни пахтадан юқори ҳосил етиштиришга йўналтирайлик.

Азиз юртдошлар, қадри фермерлар!

Бугун халқимиз бизни «ризқ-рўзимиз бунёдкорлари» деб улуғлаб, азму шижоатимиз, ғайрат ва матонатимизга кўз тикиб турганини бир зум бўлса-да, эсдан чиқармаслигимиз керак.

Дастурхонимиз тўкин-сочин, бозорларимиз ноз-неъматларга тўла ва арзон, турмушимиз фаровон бўлиши бизнинг машаққатли меҳнатимизга боғлиқ. Нега деганда, бугунги кунда пахтачиликнинг нафақат мамлакатимиз sanoati ривожига, балки аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашдаги ўрни ҳам беқиёс бўлиб, уни ҳеч нарса билан ўлчалб, баҳолаб бўлмайди. Хусусан, бозорларимизни гўшт, сут, тухум каби муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдиришда мазкур тармоқнинг роли нақадар катта эканини унутмайлик.

Биз мухтарам Юртбошимизнинг юксак ишончини оқлаб, мамлакатимиз равнақи ва халқимиз фаровонлигига муносиб ҳисса қўшиш учун барчангизни сидқидилдан ҳалол ва фидокорона меҳнат қилишга чақирамиз!

Барчангизга сикат-саломатлик, эзгу ва олижаноб ишларингизга кўт-барака тилаймиз. Бу йилги мавсумда улкан хирмон барпо этиб, халқимиз олдида юзими ёруғ бўлиши ҳаммамизга насиб этсин.

Сирдарёлик фермер ва деҳқонлар.

ЎН ЙИЛ ДАВОМИДА РЕСПУБЛИКАМИЗ ҲУДУДЛАРИДА

намунавий лойиҳалар асосида 123 мингдан ортиқ уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилди

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

Миллий матбуот марказида «Қишлоқ ҳудудларида намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қурилиши Дастурларида «Қишлоқ қурилиш банк» иштироки» мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.



Тадбирда банкнинг қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қурилишидаги иштироки, бу йўналишда эришилаётган натижалар ва галдаги вазифалар бўйича атрофлича маълумот берилди.

— Республикаимиз қишлоқларини обод қилиш, аҳолининг яшаш шароитларини яхшилашга қаратилган Давлат дастурлари доирасида 2009-2019 йилларда ҳудудларда намунавий лойиҳалар асосида 123 мингдан ортиқ уй-жой қурилиши бўйича иш олиб борилади, — дейди «Қишлоқ қурилиш банк» АТБ бошқарув раисининг биринчи ўринбосари Акбар Эшонқулов. — Ушбу уй-жойларнинг 80 мингдан кўпроги бевосита банкимиз томонидан молиялаштирилди. Утган вақт давомида қурилиш ишлари учун 15,41 триллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Бу борада биргина «Қишлоқ қурилиш банк» томонидан молиялаштирилган уй-жойлар учун 3,23 триллион сўм аҳолининг маблағи, 6,34 триллион сўм банкнинг имтиёзли ипотека кредити маблағи сарфланди. Намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қурилишида акциядорлик тижорат «Қишлоқ қурилиш банк» салмоқли ўринни эгалламоқда.

Президентимизнинг 2018 йил 24 ноябрдаги «Қишлоқ жойларда ва фуқароларнинг айрим тоифалари учун арзон уй-жойлар қурилиши кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, жорий йилдан бошлаб қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида арзон уй-жойлар қурилиши «Обод қишлоқ» дастури билан узвий боғлиқликда амалга оширилиши белгиланган. Мазкур ҳужжатга мувофиқ, дастур доирасида уй-жойларнинг янги намуналари жорий этилди.

Жумладан, дастурга киритилган аҳоли пунктлари, шунингдек, аҳоли зичлиги юқори бўлган ва зарур муҳандислик-транспорт коммуникациялари билан таъминланмаган ҳудудларда тўрт қаватли арзон кўп квартиралар (2 ва 3 хонали) уйлар бунёд этилмоқда. Шунингдек, аҳолиси зич бўлмаган ва зарур муҳандислик-транспорт коммуникациялари билан таъминланмаган ҳудудларда 0.02 гектар ўлчамли ер участкаларида жойлаштирилаётган бир қаватли 3 хонали (ёнма-ён қуриладиган) арзон уйлар ҳам бор.

Бугунги кунда ушбу банк иштирокида қурилаётган 6 минг 508 та уй-жойдан умумий қиймати 400,65 миллиард сўмлик 2 минг 183 та уй-жой Осиё тараққиёт банки маблағлари ҳисобидан ва умумий қиймати 657,9 миллиард сўмлик 4 минг 325 та уй-жой Ислам тараққиёт банки маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган.

2019 йилда қуриладиган арзон уй-жойлардан айримларининг энергия самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча харажатларни қоплаш мақсадида БМТ Тараққиёт дастури ва Глобал экологик фонднинг 1 миллион АҚШ доллари миқдоридаги грант маблағларининг йўналтирилиши кўзда тутилган. Шу мақсадда банк билан БМТ Тараққиёт дастури ўртасида Бухоро, Самарқанд, Сурхондарё, Фарғона ва Хоразм вилоятларида қуриладиган арзон уй-жойларнинг 800 тасини энергия самарадорлигини ошириш бўйича 1 миллион АҚШ доллари миқдоридagi қўшимча харажатларни қоплаш бўйича битим тузилди.

Матбуот анжуманида «Қишлоқ қурилиш банк» АТБ томонидан қишлоқ ҳудудларида намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қурилиши бўйича келгусида белгиланаётган вазифалар, банк фаолиятининг асосий йўналишлари юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди. Журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олди.

Тоштемир МУРОД.

Фарғона вилоятида «Аҳоли билан мулоқот: муаммо, ечим ва самара» мавзусида сайёр қабул ўтказилди. Унда ЎзХДП фаоллари, вилоятдаги барча бошқарма ва ташкилотлар раҳбарлари, прокуратура, МИБ, ИИБ ҳамда сектор раҳбарлари иштирок этди.

Тадбир давомида мутасаддилар аҳоли муурожаатларини қабул қилишди, мавжуд вазият, муаммоларни ҳар бир соҳа ва йўналиш бўйича атрофлича ўрганишди. Мулоқотларда аҳолининг иктимой ҳимояга муҳтож қатламлари, ногиронлиги бўлган шахслар муурожаатларига алоҳида эътибор қаратилди. Кам таъминланган оилаларга моддий ва маънавий кўмак берилди.

Ҳар бир ташкилот раҳбари ўз йўналишига қараб, маҳаллаларда ечимни кутаётган масалалар, хусусан, тадбиркорликни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш, аҳоли, айниқса, ёшлар бандлигини таъминлаш юзасидан тушган муурожаатларни мутасаддилар иштирокида ўрганиб чиқди. Уларнинг ечимни юзасидан амалий ишлар олиб борилади.

Қабулда 82 нафар фуқаро иштирок этди ва халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатларига турли масалада 36 муурожаат бўлди. Уларнинг 11 таси уй-жой билан таъминлаш ва таъ-

мирлаш, 5 таси ишга жойлашиш, 4 та банк кредити ажратиш, 6 таси моддий ёрдам кўрсатиш ва бошқа масалаларни қамраб олди.

— Сайёр қабул давомида фуқаролар турли масалаларда муурожаат қилишди, — дейди ЎзХДП Фарғона вилоят кенгаши раиси Дилбар Мамажонов. — Бу масалаларни жойларнинг ўзида ҳал қилиш имконини. Фақат масъулият билан ёндашилса, сансалорликка йўл қўйилмаса, одамларни ўйлантираётган муаммолар тез ва осон ечим топади. Ўтказилган қабул натижалари бўйича 11 нафар муурожаатчининг масаласи ижобий ҳал этилди, 6 нафар фуқарога ҳуқуқий маслаҳатлар берилди, 19 муурожаат амалдаги қонунларга кўра ўрганиб чиқиш учун қабулда иштирок этган вилоят мутасадди ташкилотлари раҳбарлари эътиборига ҳавола қилинди. Улар бўйича депутатлик назорати ўрнатилди.

Ўтказилган қабул натижалари бўйича 11 нафар муурожаатчининг масаласи ижобий ҳал этилди, 6 нафар фуқарога ҳуқуқий маслаҳатлар берилди, 19 муурожаат ўрганиб чиқиш учун мутасадди ташкилотлар раҳбарлари эътиборига ҳавола қилинди.

Сайёр қабул:

аҳоли билан очик мулоқот ва муаммолар ечими...



— Фарғона шаҳар «Шакарқишлоқ» маҳалла фуқаролар йиғинида яшайман, — дейди Саида Орипова. — Сайёр қабул ўтказилаётгани ҳақида эшитиб, бу ерга келдим. Чунки бузилган савдо дўконимиз учун жой ажратиш масаласида муурожаатим бор эди.

Қабулда бизни хушмуомалалик билан кутиб олишди. Муҳими, муурожаатим эътиборсиз қолмади. Фарғона шаҳар ҳокими 1-сектор раҳбари томонидан ижобий ҳал этилди.

Фарғона шаҳар «Хилол» кўчасида яшовчи Наргиза Исроилова моддий ёрдамга муҳтож экан. Анчадан бери уйининг деворини қуришда қийналиб юрган аёл умид билан сайёр қабулга келган. Муаммосини мутасаддиларга айтди. Масала ижобий ечим топди. Ҳомийлар кўмағида уйининг девори

тиклаб бериладиган бўлди. Мулоқот давомида яна бошқа масалаларда ҳам кўплаб муурожаатлар бўлди. Депутатлар саволларга жавоб беришди, муаммоларни ҳал этиш бўйича вазифалар белгилаб олинди.

Санжар РАҲМОНОВ,
ЎзХДП Фарғона вилоят кенгаши бўлим мудир.

Бу ҳужжат мамлакатимиздаги муҳим сиёсий ислоҳотлардан биридир.

САЙЛОВ КОДЕКСИ ВА САЙЛОВГА ТАЙЁРГАРЛИК ҲАҚИДА

Ўрал ҲАБИБОВ,
Ўзбекистон ХДП Жиззах вилоят
кенгаши раиси:

— Айтиш кераки, яқинда қабул қилинган Сайлов кодекси билан миллий сайлов қонунчилигимиз умумийроқ этилган ҳалқаро тамойил ва меъёrlарга мос ҳолда янада ривожлантирилди. Сайлов кодексининг қабул қилиниши юртимизда олиб бoриладиган ислоҳотларнинг амалий самараси бўлиши қаторида, миллий сайлов қонунчилигимизни, сайловларни ўтказиш бўйича қарийб 30 йиллик тажрибамизни янада мустаҳкамлаш ва тақомиллаштириш сари қўйилган катта қадам бўлди.

Кодексда назарда тутилган муҳим янгилик сайловчиларнинг электрон рўйхати билан боғлиқдир. Эндиликда сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати шакллантирилади ва сайловчилар Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида ўзи учун керакли маълумотларни олиш имкониятига эга бўлади. Маълум бўлишича, Марказий сайлов комиссияси мутахассислари сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатини яратиш устида анчадан бери иш олиб бoрмоқдалар. Хусусан, уйма-уй юриб, сайловчилар рўйхатга олинган ва ҳар бир сайловчи турар жой кадастр рақамига бириктирилган.

Бундан мақсад «бир сайловчи — бир овоз» тамойилини тўлиқ ва беҳато амалга оширишдан иборатдир. Масалан, бирор сайловчи яшаш жойи ўзгарса, доимий рўйхатдан вақтинчалик рўйхатга ўтса, бу сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатида ўз аксини топади. Бу сайловчининг фақат бир жойда бир марта овоз беришини таъминлайди.

Шу билан бирга, ушбу электрон тизим орқали сайловчиларга қатор қулайликлар яратилади. Масалан, сайловчи Марказий сайлов комиссияси сайтига кириб паспорт рақамини киритиш орқали ўзининг қайси сайлов участкасига мансуб эканлигини ва сайлов участкаси joyлашган манзилни аниқлаши мумкин бўлади.

Бу йил бўладиган сайловлар муносабати билан партиянинг Жиззах вилоят кенгаши ҳам сайловолди кампаниясига тайёргарлик ишларини бошлаб юборган. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашлари депутатлигига ташаббускор номзодлар сараланмоқда. Лекин ҳали номзодларнинг билим ва қўнимасини шакллантириш борасида кўп ишлашимиз лозим. Муносиб номзодларни танлаш ва саралаш бугунги кунда олдимизда турган долзарб масалалардан биридир. Биз, албатта, номзодларни танлашда унинг шахсий фазилатлари билан бир қаторда, аҳоли орасидаги обрўи қандай эканлини ҳам ҳисобга олишимиз муҳим, деб ўйлайман. Утган давр мобайнида ўз сайловчилари манфаатларини ҳимоя қила олган, ҳудуд ривожига ҳисса қўша олган, партиямизнинг сайловолди дастурини бажаришда ҳамда электоратимиз манфаатларини ҳимоя этишда фаол бўлган депутатларимизнинг номзодларини яна кўрсатиш мақсадга мувофиқ, менимча.

Олдимиздаги яна бир долзарб вазифалардан бири шуки, сайловда ҳам биринчи марта иштирок этадиган ёшлар оралиғида тарғибот ишларини янада кучайтириш, уларга янги қабул қилинган Сайлов кодексининг мазмун-моҳиятини тушуниришда фаол ишлашимиз керак.

Сиёсий жараёнга тайёргарлик ҳақида гап борар экан, аввалги сайловлар натижаларини таҳлил қилишимиз, йўл қўйган хато ва камчиликларимизни қайтармаслигимиз жуда муҳимдир. Шу нуктаи назардан партиямизнинг Жиззах вилоят кенгаши бир қатор тақлифлари илгари сурмоқда.

Аввало, сайлов жараёнида очиқлик ва ошқо-раликни таъминлаш учун сайлов қонунчилигидаги ўзгаришлар ҳамда уларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти тўғрисида аҳолини кенг хабардор

«Давоми, бошланиши 1-бетда.

Демократик ўзгаришлар

30 ФОИЗ ДЕПУТАТ

халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида ойлик олиб ишлайдиган бўлади

Ҳокимларнинг халқ депутатлари Кенгашларига раҳбарлик амалиёти бекор қилинишига тайёргарлик кўриляпти. Вақиллик ҳокимияти мустақил иш юритиши, ҳудудий ижро ҳокимияти фаолиятини назорат қилиши қўйилмоқда. Бу жараён нимаси билан муҳим? Яна қандай масалаларга эътибор қаратиш керак?

Алтибой РАДЖАПОВ,
Хоразм вилояти ўзини-ўзи бошқариш тизимини мувофиқлаштириш кенгаши раиси ўринбосари, халқ депутатлари Хоразм вилоят кенгаши депутати:

— Тўғрисини айтиш керак, маҳаллий Кенгашлардаги депутатлар жамоатчилик асосида ишлайдиган ҳодимларга ўхшайди. Ўзи сайланган ҳудудга бориш, сайловчиларни қабул қилиш каби иш режасида қатъий белгиланган вазифаларни адо этишлари осон кечмайди. Айтайлик, Ҳазорасп туман Кенгашидаги депутат Тупроққалъа маззасига бориши учун камидан юз эллик километр йўл бoриши лозим. Бу эса вақт ва маблаг талаб этади. Депутат шунча масофага ўз ҳисобидан жамоат транспортда борса ҳам, ойлик маошининг анча қисmini сарфлашига тўғри келади. Бу ёқда эса рўзгор...

Депутат бирор идора раҳбари бўлса, ўзига бириктирилган хизмат машинаси-дан фойдаланишга мажбур. Бу ҳолат у билган ҳолда қонунни бузишини аниқлатади. Чунки хизмат машинаси харажатлари депутат бoш бўлган ташкилот томонидан қўпланнади. Агарда депутат раҳбар бўлган корхона мулкчилигининг бошқа шакли бўлса, у жамоа акциядорлари қўнатишга «қўл чўзди»... Гапнинг

дангалини айтганда, истаимизми-йўқми масаланинг шу томонларини инобатга олишимиз керак. Негаки, депутат ўз сайловчиси билан мулоқотга ошиққан-да, моддий унинг йўлини тўсмаслиги керак. Шунда у вазифасини тўлақонли бажаришига имкон берган бўламиз.

Яқинда Олий Мажлис Сенатининг матбуот анжуманларидан бирида юқоридаги муаммолар ечим топаётгани ҳақида айтилди. Бундан депутатларимиз жуда мамнун. Маҳаллий кенгашлардаги депутатларни моддий қўллаш, яъни уларга маълум маънода маош тўлаш, хизмат машинаси, алоҳида хона ажратиш ишнинг сифатига ҳам жиддий таъсир кўрсатади, деб ўйлайман. Шу билан бирга, депутатнинг масъулиятини оширибгина қолмай, ўз вазифасини мунтазам бажаришга олиб келади. Гап маошнинг қанчалигига эмас. Бу тартибнинг жорий этилиши депутатнинг обрўсини бир неча поғона оширади. Депутат ўзи раҳбар бўлган корхона еки ташкилот маблагларига мажбуран қўз олайтирмайди, ўз ҳодимлари олдида юзи ёруғ бўлади.

Моддий томондан таъминланган депутатдан ўз вазифасини бекаму кўст бажаришни талаб қилиш ва албатта, уларнинг буни ҳалол бажаришлари фаолиятига унум бағишлайди. Сайловчилар ҳурматини ва ишончини қозонишга олиб келади. Дунё тажрибасидан

келиб чиқиб, амалиётга киририлаётган бу маъёрлар депутатларимизнинг фаол бўлишлари учун муҳим кафолатдир.

Мақсуд НУРИЛЛАЕВ,
Ўзбекистон ХДП Навоий вилоят кенгаши раиси:

— Жорий йилги сайловлардан сўн 213 туман(шаҳар) Кенгашлари депутатларининг ўртача 30 фоизи ойлик маош, автомашина ва алоҳида хона билан таъминланиши маълум қилинди. Шу тариқа 1500 нафардан ортиқ депутат доимий иш ўрнига эга бўлди. Аниқ айта оламани, виждонан ишлаган ҳар бир депутат бундан хурсанд бўлди. Негаки, йилдан-йилга уларга эътибор кучайиб, жамиятдаги нуфузи ўсётганига барчамиз гувоҳ бўляпмиз. Ўрни келганда маҳаллий Кенгаш депутатлари фаолиятини янада жонлантириш учун қуйдаги тақлифларни билдирмоқчиман.

Аввало, халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш депутатларига ҳар ойда энг кам ойлик иш ҳақининг 3 баравари миқдори маош тўланса, мақсадга мувофиқ бўларди. Бу маблаг уларга исталган вақтда сайловчилар билан учрашиш имконини оширади.

Шунингдек, солиқдаги имтиёзлар ҳам халқ вакиллари ишида жонлантиришга таъсир кўрсатади. Автомашина

Маҳаллий кенгашлардаги депутатларни моддий қўллаш, яъни уларга маълум маънода маош тўлаш, хизмат машинаси, алоҳида хона ажратиш ишнинг сифатига ҳам жиддий таъсир кўрсатади, деб ўйлайман.



САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИГА БОҒЛИҚ ЯНГИЛИКЛАР ВА УЛАРГА МУНОСАБАТЛАР

демократик институтларнинг тавсиялари ҳам киритилган. Буларга мисол қилиб, ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этган шахсларнинг сайловда иштирок этишини чеклови меъёрларининг олиб ташланганини айтиш мумкин. Яна халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлигига номзодларнинг ишончли вакиллари сони 3 нафардан 5 нафаргача қўлайтирилганини алоҳида эътибор этиш керак.

Сайлов кодексини йил охирида бўлиб ўтadиган сайловлар жараёнида бевосита ўз тажрибамиздан ўтказамиз. Бунинг учун бугун партиямиз ташкилотлари, фаолларимиз жойларда, аҳоли орасида уни кенг тарғиб қилишлари керак. Ахир ҳар қандай ҳужжат одамлар онига етиб бoрган-дагина ҳаётий бўлади ва ўз самарасини беради.

Робия КАЗИМОВА,
ЎзХДП Бухоро шаҳар кенгаши раиси:

— Партиядаги кўп йиллик меҳнат фаолиятим давомида республикамизда ўтказилган барча даражадаги сайловларда иштирок этганман.

Утган сайловларни қўзғатиб бoриш ва таҳлиллардан ҳулоса чиқариб шунини айта оламани, Сайлов кодексининг қабул қилиниши сайловнинг шаффоф ва самарали ўтишига хизмат қилади.

Сайлов кодекси қабул қилинди, ҳужжатлар бир марома келтирилди, сайловни ўтказиш тартиблари аниқ белгиланди. Ҳўш, энди биз, сиёсий партия ҳодимларининг олдида қандай муҳим масалалар устувор бўлиб турибди?

Илгари сайловларда иштирок этиш масаласида сиёсий партияларнинг моддий-техник базаси ачинарли аҳволда эди. Бугун вилоят кенгашлари сайловга ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўриш учун шароит яхшиланди. Шаҳар ва туман партия ташкилотларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича ҳам ишлар олиб бoриляпти.

Биз келаётган сайловда бошланғич партия ташкилотларини янада кучайтиришимиз, фаолиятини жонлантиришимиз, энг муҳими, уларни рағбатлантириб бoришимиз зарур.

Ҳар бир сайлов округидан номзод кўрсатамиз. Номзодларнинг сайланишлари биринчи навбатда уларнинг дастурлари сайловчилар орасида қай даражада тарғибот қилинишига боғлиқ. Қонунчиликда белгиланган тартибда иш юритсак, вилоят бўйича 1463 нафар ишончли вакиллarga, фаол партия аъзоларимизга эҳтиёж сезилади.

Утган даврдаги тадбирлар мазмунига эътибор қаратадиган бўлсак, партия электорати бўлган кам таъминланган, ногиронлар ва пенсионерларга моддий кўмак бериш масаласи билан чекланиб қoляпмиз. Тўғри, бу жиҳат ҳам муҳим. Бироқ партиямиз электоратини қийнаётган муаммолар оз эмас. Бизга мамлакатдаги ҳолатни чуқур ва изчил таҳлил қилиб, иқтисодийни кўтартиш бўйича тақлифлар бера оладиган номзодлар керак. Одамлар бундай номзодларни сезади ва албатта, қўллаб-қувватлайди.

Бу йил яна бир жиҳатда алоҳида эътибор қаратишимиз лозим, деб ўйлайман. Яъни, партия электорати, деб биладиганимиз — қар ва соқовлар, қўзи оқизлар, ногиронлиги бўлган юрдошларимизнинг ҳам сайловда фаол иштирок этишига кўмаклашимиз зарур.

Биринчи галда улар сайлов участкаларида номзодларнинг сайловолди дастурлари билан танишиши учун етарли шароитни таъминлашимиз лозим. Сурдо таржималар, брайль ёзувидаги сайлов билан боғлиқ ҳужжатларни ишлаб чиқишга ҳам алоҳида эътибор қаратилиши муҳим, деб ўйлайман.

ЎзХДП Марказий Кенгаши
Ахборот хизмати.

да 9-10 нафар комиссия аъзосидан 3-4 нафари ишлайди, холос. Бу эса белгиланган режанинг бажарилмай қолишига сабаб бўлади. Ўйламанки, жорий йилги сайловларда сиёсий партиялар шу жиҳатларга ҳам эътибор беришади.

Шунингдек, сиёсий партия депутатликка номзодларни танлашда имкон қадар мулоҳазали бўлиши, етти ўлчаб бир кесиши лозим. Чунки уларнинг кўпчилиги депутат бўлиб сайлангунча фаол бўлишади. Бундай депутатлар сессияларга, доимий комиссия йиғилишларига бe-фарқлик билан қарашади. Сессияларда кўрилаётган масалаларнинг махзун-моҳиятини тушуниб-тушунмай қарор қабул қилишади. Қисқа қилиб айтганда, қўл кўтариб тасдиқлашга ярайдиган депутатлар ҳам орамизда йўқ эмас.

Раҳбарлик лавозимига, айниқса, давлат идоралари бошлиқларининг депутат бўлиб сайланиши мени ўйлантирарди. Тасаввур қилинг, туманда Давлат дастури ижроси ёки иш ўрни яратилиши ва аҳоли бандлигини таъминлаш билан боғлиқ масала муҳокама қилинляпти. Туман ҳокими — Кенгаш раиси. Депутатлар кимни суроўқа тўтсин? Аслида ҳокимнинг депутатлиги ва Кенгаш раислигидан бошқа қиладиган иш, бажариши лозим бўлган вазифалари кўп. Шуларни ҳисобга олган ҳолда, жорий йилги сайловлардан кейин янги тартиб жорий этиладиган бўлди. Унга қўра, туман(шаҳар) ҳокимларининг халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари раиси мақоми бекор қилинадиган бўлди. Ҳоким партия аъзоси ҳам, депутат ҳам бўлмайди. Давлат ташкилоти вакиллари ҳам депутат бўлолмайди. Энди Кенгаш раиси сайланган депутатлар орасидан овозга қўйилиб танланади. Раис жойида ўтириб, фақат ўз фаолияти билан машғул бўлади. Ҳар опти ойда малака ошириш керак бўлади. Ҳудуддаги тўртала сектор раҳбарлари билан доимий алоқа ўрнатиб, уларни эшитилади. Аҳоли муаммолари юзасидан бажарилган ишларни таҳлилини амалга оширади. Бу тартиб ҳудудларда янгича муҳит пайдо бўлишига шароит яратади, деб ўйлайман.

«Ўзбекистон овози» мухбири
Махлиё АЛИҚУЛОВА ёзиб олди.

Халқ билан мулоқот

ИЧКИ ЙЎЛЛАР ВА ИЧИМЛИК СУВИ УЧУН 4 МИЛЛИАРД СЎМ АЖРАТИЛАДИ

Қашқадарё вилояти ҳокими Касби туманида Маслаҳат кенгаши ва Ҳўжахайрон қишлоғида сайёр қабул ўтказди.

Касби туманида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги «Аҳоли муаммолари билан ишлаш тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ижроси юзасидан вилоят ҳокими Зафар Рўзиев, вилоят прокурори, вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи иштирокида Маслаҳат кенгаши мажлиси ташкил этилди. Унда тумандаги маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, туман фаоллари, вилоят ва туман ташкилот, корхона раҳбарлари қатнашди.

Жорий йил қишлоқ ҳўжалигига ихтисослашган Касби тумани учун муваффақиятли келди. Касбилик миришкорлар давлатга галла сотиш шартнома режасини ортиғи билан бажариб, 55 минг тоннадан зиёд улкан хирмон яратди. Вилоят ҳокими муваффақиятлар билан бирга тумандаги мавжуд камчиликлар ҳусусида ҳам тўхталиб, ушбу муаммоларни бартараф этиш мақсадида маҳаллий бюджет ҳисобидан ички йўлларни таъмирлаш учун 2 миллиард сўм, ичимлик суви таъминоти учун 2 миллиард сўм, жами қўшимча 4 миллиард сўм ажратилишини қайд этди. Ушбу маблагни оқилона ва тўғри тақсимлаш борасида мутасадди ташкилотларга зарур кўрсатма ва топшириқлар берди.

Шундан сўнғ вилоят ҳокими бошчилигида ташкилот раҳбарлари тумандаги Ҳўжахайрон қишлоғида сайёр қабул ўтказди. Аҳолини қийнаётган муаммолар муҳокама қилинди.

Вилоят ҳокими ва сектор раҳбарлари томонидан ўтказилган сайёр қабулда аксарият муаммолар жойида ечим топган бўлса, қолганлари бўйича «Йўл ҳариталари» белгиланиб, тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда ҳал этиш чоралари қўрилди.

Қабул жараёнида фуқаролар асосан электр энергия таъминотини яхшилаш, ички йўлларни таъмирлаш, тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш учун кредитлар ажратиш, мактабни таъмирлаш ва мактабгача таълим муассасаси ташкил этиш борасида ўз тақлифларини билдирди.

Касби тумани халқ таълими бўлимига қарашли 12-умумтаълим мактаби директори Шомурод Шарипов мактабда қўшимча синфхоналар ташкил этиш учун амалий ёрдам сўраб мурожаат қилди. Натижада муаммо дастур асосида ўз ечимини топадиган бўлди. Мазкур маҳалла раиси Нарзулло Худойбердиев ҳудудда фақат битта оилавий боғча мавжудлиги, қишлоқ болалари учун мактабгача таълим муассасасига эҳтиёж борлигини айтиб ўтди. Бу масалада мазкур қишлоқ ҳудудида давлат-хусусий шериклик асосида иккинчи ярим йилликда нодавлат мактабгача таълим муассасаси ташкил этиш юзасидан мутасаддиларга топшириқ берилди.

Эътиборли жиҳати, аксарият аҳоли вакиллари томонидан нафақат ўзи ёки оиласига тегишли, балки маҳалла, қишлоқ ижтимоий ҳаёти билан боғлиқ 32 та масала ўртага ташланди.

Хусусан, Ҳўжахайрон қишлоғида яшовчи Дилором опа Ҳотамова ва Бошқалар 245 нафар бола 5-6 километр ҳудуддан келиб мактабга ўқишда қийинчиликларга дуч келаётгани, шу сабабли қишлоқда мактаб филиали қуриш бўйича мурожаат қилди. Бу масала келгуси йилда дастур асосида ўз ечимини топадиган бўлди.

Халқ билан мулоқот ҳудудлардаги мавжуд вазиятни пухта таҳлил қилиш имконини бериши билан ҳам аҳамиятлидир.

Ў.БАРОТОВ,
ЎЗА мухбири.

Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси йўлланмаси билан

МҲЙНОҚДА ТОНГ ОТМОҚДА

Орзу-ниятларга, янгиликларга тўла тонг, гўзал бир тонг...

Эхтимол, бир кун мўъжиза рўй берар, денгиз қайтар, тириллар, армонлар ушалар, эрталар ҳақиқатга айланар... Буни вақт кўрсатади. Аммо бугун Орол бўйларига, Мўйноққа янги ҳаёт, янги кайфият кириб келаётгани, меҳр-эътибор қайтгани ҳақиқат. Мўйноқнинг қиёфаси, салохияти, мазмунни бутунлай ўзгартириб бораётгани бор гап.

Бунга ишонч ҳосил қилиш учун бугун Мўйноққа келиш, Орол бўйларида юриш, ҳамма-ҳаммасини ўз кўзинг билан кўриш, одамлар сўзларини ўз қулоқларинг билан эшитиш керак бўлади.

... Нукус аэропортидан Қорақалпоғистондаги муҳбиримиз Мнажатдин Қутлимурадов ҳамроҳлигида тўри Оролга йўл олдик... Нукусдан Мўйноқчага кўп эмас, орол-ропа-роса 220 километр экан. Ҳар ҳолда, енгил машинада уч соатдан кам юрилмайди. Ўйлаб кетиш, режаларни пишиштиш учун вақт етарли. Қаерларда бўлиш, кимлар билан учрашиб, қайси масалаларга кўпроқ эътибор қаратиш, бош ғоя нима бўлиши керак?... Бу саволларга янада ойдинлик киритиб олиш имконияти бор.

Ана шундай ўй-хаёллар билан йўлда кетаяппиз, йўл юрганимиз сайин ҳаяжон ошади... Киши ўзида ғалати туйғуларни ҳис этади. Гўё «айбдорсан», «жабралар-нувчи» билан юзма-юз учрашувга келатгандексан. Ҳозир у айбингни юзинга айтиб ташлайдигандек...

Амударё кўпригидан ўтаётганда киши беихтиёр ҳаяжонланади. Мана, ўша қадим дарё, қудратли дарё. Орол денгизига ҳаёт бағишлаб келган, икки дарёдан бири... Сўнг Оролдан узилган дарё, Оролга етолмай қуриган дарё...

— Қирғоқ бўйидаги ҳов ана у овулни кўраясизми, бу менинг ота овулим — Саманбой, дейди Мнажатдин. — Болалигим шу ерда ўтган, Амударёда чўмилиб катта бўлганмиз. Нариги қирғоқни кўриш қийин эди, эни бир ярим-икки километр келарди, десам ҳозирги ёшлар ишонмайди...

Кўприкдан ўтдик, Хўжайли тумани бошланди. Сўнгра Қанлиқўлдан, Кўнжиротдан ўтиб, Мўйноққа элтидиган йўлга бурилдик. Йўлнинг икки чети қумлиқлардан иборат бўлиб кетди. Янтоқ, қамиш, саксовул, жийда, қорабароқ каби ўсимликлар сочилиб ётибди. Бир замон қизғиш гуллаган ўсимликлар кўзга ташланди. Бу ўсимлик номи сутлиқ экан. Новдасини шимисанг, сутти бор, озгина ширин, йилгига уч марта мева бераркан. Кета-кетгунча йўл четида биз билган, билмаган ўсимликлар. Лекин қамиш кўп. Қамишдан илгари тўшак сифатида фойдаланиб келинган.

Шагули овулига етдик, қуёш олов пуркаётгандек, ҳадемай ҳаммаёқ жизга-нак бўлиб кетадигандек. Бу ерларнинг иқлими, табияти ҳам ўзигагина хос. Йўлнинг унч томонида, ҳов икки-уч километр нарида қуюн кўринди. Энига бир-икки қулочдек кўринсада, анча баландга ўрмалаб кетаяпти. Бироздан сўнг чап томонда ҳам қуюн кўтарилди. «Улар бизнинг «тарнадо»лар», — деди ҳамроҳим ҳазиллашиб.

Бу ҳудудлар табияти ўзигагина хос — мураккаб, қайсар, қахрили, чўлланган, шўрланган. Оддий қилиб айтганда, ёзида қуш учса, қаноти, кўнса, оёғи қуяди. Қиши аёзининг аёзи, шамоли суякни қақшатади. Хайвонот олами ҳам бой, айниқса, юмроқозик, қуён, тулки, шогол, бўри кўп экан.

АРМОНЛАР ВА МЎЙНОҚЗАЛАР

Мана, нҳоят уч соатча йўл юриб, муаммолари билан дунёга машхур бўлган Мўйноққа кириб келдик. Йўлнинг икки четида эски, пастқам, лойдан, ҳатто девори қамшидан кўтарилган уйлар бузиб ташланаяпти. Улар ўрнида замонавий турар-жойлар, маъмурий бинолар, спорт, санъат масканлари, савдо, маиший хизмат шохобчалари бунёд этилмоқда. Мўйноқ марказидаги катта қўша тўрт қаторли қилиб қурилмоқда, ўнг томонидаги майдонда ҳунармандлар аллеяси барпо этилмоқда. Бу ерда ўтов, миллий қимиллар, тақинчоқлар кўргазмалари ўтказилади. Туризм объектларидан бири бўлади...

Бузилаётган уйларга қараб, ўйга толасан киши. Наҳотки, шу қулбаларда одамлар яшаб келган бўлса?... Узоқ йиллар муаммолар гирдобиди қилиб келган одамлар кўнглидан бугун нималар ўтаётди?

Бекзафар Алламбергенов, пенсиясиз: — Ёшим 73 да. Мўйноқда консерва заводиди ишлаганман. Сазан, сом, лаққа, бекири, илонбалиқ, карас каби 24 хил балиқдан консерва тайёрлар эдик. 5 мингдан ортиқ ишчи бор эди. Ўшалардан санокли одам қолган, учрашсак, заводни, Оролни эслаб йиғлаймиз... У кўнлар худди туш каби ўтди, кетди...

Бирок ҳозир Мўйноққа берилаётган эътибордан бошимиз осмонда. Катта ишлар қилинаяпти... Президентимизга раҳмат... Орол денгизи соҳилдаги Мерес овулида нари борса, 50 оила яшайди. Орол тўқинлари бу овул этагига келиб урилиб турган. Қариялардан бир-иккиси билан учрашмоқчи бўлдик. Афсуски, эскилардан ҳеч ким қолмабди, 65-70 ёшдаги уч

нафар кампир қолибди. Улардан бири — **Нийсебели Саганбаева** билан суҳбатлашамиз.

— Орол уйимиз деразасидан кўришиб турарди, не бўлди, билмаймиз. Орол қайта бошлади. Мен 15 ёшда эдим, — дейди у. — Денгиз биздан қочиб кета бошлади. Ота-онамиздан эшитганмиз, Орол қай бир замонда ҳам қочган, лекин орадан 50 йил ўтиб, яна қайтган экан. Биз ҳам бугун денгиз кетган томонга тикилиб ўтирибмиз, бир кун қайтар, деб. Оролни тез-тез тушимда кўраман. Бир гал тушимда Орол сувга тўлиб турганмиш. Денгиз қайтибди, деб ҳамма қирғоққа чопатганмиш... Уйғониб кетдим, туш кўрганимни билдим. Аммо «ростдан ҳам денгиз қайтган бўлса-чи», деган хаёл билан ташқарига чиқиб қарадим... Жим-жит экан. Кўнглим чўйиб, қирғоқда бироз ўтирдим. Дуо қилдим, Яратгандан денгиз қайтишини сўрадим...

Денгиз қочган, одамларнинг кўнгли чўйиб қолди, не қиларин билмай қолди. Иш йўқда, иш бўлмаган, пул йўқ. Пул бўлмаса, тирикчилик ўтмайди... Шундан кўп эркаклар, ёшлар шаҳарларга кетиб қолди.

Ана шундай ўй-хаёллар билан йўлда кетаяппиз, йўл юрганимиз сайин ҳаяжон ошади... Киши ўзида ғалати туйғуларни ҳис этади. Гўё «айбдорсан», «жабралар-нувчи» билан юзма-юз учрашувга келатгандексан. Ҳозир у айбингни юзинга айтиб ташлайдигандек...

Амударё кўпригидан ўтаётганда киши беихтиёр ҳаяжонланади. Мана, ўша қадим дарё, қудратли дарё. Орол денгизига ҳаёт бағишлаб келган, икки дарёдан бири... Сўнг Оролдан узилган дарё, Оролга етолмай қуриган дарё...

— Қирғоқ бўйидаги ҳов ана у овулни кўраясизми, бу менинг ота овулим — Саманбой, дейди Мнажатдин. — Болалигим шу ерда ўтган, Амударёда чўмилиб катта бўлганмиз. Нариги қирғоқни кўриш қийин эди, эни бир ярим-икки километр келарди, десам ҳозирги ёшлар ишонмайди...

Кўприкдан ўтдик, Хўжайли тумани бошланди. Сўнгра Қанлиқўлдан, Кўнжиротдан ўтиб, Мўйноққа элтидиган йўлга бурилдик. Йўлнинг икки чети қумлиқлардан иборат бўлиб кетди. Янтоқ, қамиш, саксовул, жийда, қорабароқ каби ўсимликлар сочилиб ётибди. Бир замон қизғиш гуллаган ўсимликлар кўзга ташланди. Бу ўсимлик номи сутлиқ экан. Новдасини шимисанг, сутти бор, озгина ширин, йилгига уч марта мева бераркан. Кета-кетгунча йўл четида биз билган, билмаган ўсимликлар. Лекин қамиш кўп. Қамишдан илгари тўшак сифатида фойдаланиб келинган.

Шагули овулига етдик, қуёш олов пуркаётгандек, ҳадемай ҳаммаёқ жизга-нак бўлиб кетадигандек. Бу ерларнинг иқлими, табияти ҳам ўзигагина хос. Йўлнинг унч томонида, ҳов икки-уч километр нарида қуюн кўринди. Энига бир-икки қулочдек кўринсада, анча баландга ўрмалаб кетаяпти. Бироздан сўнг чап томонда ҳам қуюн кўтарилди. «Улар бизнинг «тарнадо»лар», — деди ҳамроҳим ҳазиллашиб.

Бу ҳудудлар табияти ўзигагина хос — мураккаб, қайсар, қахрили, чўлланган, шўрланган. Оддий қилиб айтганда, ёзида қуш учса, қаноти, кўнса, оёғи қуяди. Қиши аёзининг аёзи, шамоли суякни қақшатади. Хайвонот олами ҳам бой, айниқса, юмроқозик, қуён, тулки, шогол, бўри кўп экан.

Ана шундай ўй-хаёллар билан йўлда кетаяппиз, йўл юрганимиз сайин ҳаяжон ошади... Киши ўзида ғалати туйғуларни ҳис этади. Гўё «айбдорсан», «жабралар-нувчи» билан юзма-юз учрашувга келатгандексан. Ҳозир у айбингни юзинга айтиб ташлайдигандек...

Амударё кўпригидан ўтаётганда киши беихтиёр ҳаяжонланади. Мана, ўша қадим дарё, қудратли дарё. Орол денгизига ҳаёт бағишлаб келган, икки дарёдан бири... Сўнг Оролдан узилган дарё, Оролга етолмай қуриган дарё...

— Қирғоқ бўйидаги ҳов ана у овулни кўраясизми, бу менинг ота овулим — Саманбой, дейди Мнажатдин. — Болалигим шу ерда ўтган, Амударёда чўмилиб катта бўлганмиз. Нариги қирғоқни кўриш қийин эди, эни бир ярим-икки километр келарди, десам ҳозирги ёшлар ишонмайди...

Кўприкдан ўтдик, Хўжайли тумани бошланди. Сўнгра Қанлиқўлдан, Кўнжиротдан ўтиб, Мўйноққа элтидиган йўлга бурилдик. Йўлнинг икки чети қумлиқлардан иборат бўлиб кетди. Янтоқ, қамиш, саксовул, жийда, қорабароқ каби ўсимликлар сочилиб ётибди. Бир замон қизғиш гуллаган ўсимликлар кўзга ташланди. Бу ўсимлик номи сутлиқ экан. Новдасини шимисанг, сутти бор, озгина ширин, йилгига уч марта мева бераркан. Кета-кетгунча йўл четида биз билган, билмаган ўсимликлар. Лекин қамиш кўп. Қамишдан илгари тўшак сифатида фойдаланиб келинган.

Шагули овулига етдик, қуёш олов пуркаётгандек, ҳадемай ҳаммаёқ жизга-нак бўлиб кетадигандек. Бу ерларнинг иқлими, табияти ҳам ўзигагина хос. Йўлнинг унч томонида, ҳов икки-уч километр нарида қуюн кўринди. Энига бир-икки қулочдек кўринсада, анча баландга ўрмалаб кетаяпти. Бироздан сўнг чап томонда ҳам қуюн кўтарилди. «Улар бизнинг «тарнадо»лар», — деди ҳамроҳим ҳазиллашиб.

Бу ҳудудлар табияти ўзигагина хос — мураккаб, қайсар, қахрили, чўлланган, шўрланган. Оддий қилиб айтганда, ёзида қуш учса, қаноти, кўнса, оёғи қуяди. Қиши аёзининг аёзи, шамоли суякни қақшатади. Хайвонот олами ҳам бой, айниқса, юмроқозик, қуён, тулки, шогол, бўри кўп экан.

Ана шундай ўй-хаёллар билан йўлда кетаяппиз, йўл юрганимиз сайин ҳаяжон ошади... Киши ўзида ғалати туйғуларни ҳис этади. Гўё «айбдорсан», «жабралар-нувчи» билан юзма-юз учрашувга келатгандексан. Ҳозир у айбингни юзинга айтиб ташлайдигандек...

Амударё кўпригидан ўтаётганда киши беихтиёр ҳаяжонланади. Мана, ўша қадим дарё, қудратли дарё. Орол денгизига ҳаёт бағишлаб келган, икки дарёдан бири... Сўнг Оролдан узилган дарё, Оролга етолмай қуриган дарё...

ла, хусусан, Мўйноқда катта-катта ишлар бошланди.

2018 йил январь ойида Вазирлар Маҳкамасининг Мўйноқни ривожлантиришга бағишланган қарори асосида қилинаётган ишлар рўйхати тузилса, бир-икки китобга симайди. Айтмоқчи, эски консерва заводи ўрнида Германия билан ҳамкорликда туз заводи қурилиб, ишга туширилибди. Бошқа қатор кичик қорхоналар барпо этилмоқда. Янги консерва заводи яқин орада ишга тушириларкан.

Аслида бу ишларни бажариш осон эмас, катта маблағ талаб қилади. Катта жасорат керак бўлади. Энг муҳими, бу ҳудудларда яшаётган одамларга катта меҳр-эътибор керак бўлади... Мўйноқ билан танишишни эртага давом эттирадиган бўлиб, Оролга шошилдик.

ОРОЛНИНГ КЎЗ ЁШЛАРИ

Бир вақтлар Орол денгизига қирғоқ бўлган бандликдан пастда — бағрини қумга бериб, мунгайиб, занг босиб, танаси илма-тешик бўлиб ётган кемаларча — «кемалар қабристонига»гача 100-120 метрча келади. Майда, майин қумни босиб,

лари мутахассиси экан.

— Орол тарихидан озгина хабарим бор, — деди у. — Денгиз қуриганига ишони қийин. Оролни ўз кўзим билан кўришни ўйлаб юрардим. Яқинда меҳнат таътилига чиқиб, Ўзбекистонга келдик.

— Оролни қўриб, кўнглингиздан нималар ўтди?

— Анчидим. Бу фожиа кишини қаттиқ ўйлатади...

Унинг узоқ бир юртдан Оролни кўришга келиши, айтган гаплари бизни ўйга толдирди. У ўз ҳисобидан вақт сарфлаб, йўл юриб, бу ерларга келган... Ўзбекистонда яшаб Оролни кўрмаганлар қанча?...

Орол бағри кенг денгиз бўлган. Майдони 66458 кв.км эди, ўртача чуқурлиги 20-25 метр, энг чуқур жойи 67 метр бўлган. Кўкси одамларга ҳамиша очик бўлган, минглаб одамларнинг иш жойи, ризқи эди бу денгиз. Қанча-қанча замонлар одамларга яхшилик қилиб келди бу денгиз, борини одамлардан аямади, худди она фарзандларидан ҳеч нарсани аямаганидек. Орол денгизи балиқлари ХХ аср бошларида Россиянинг очарчилик

сига ўхшатган эди. Орол тақдири учун қайғуриб, курашиб келаётган қорақалпоғистонлик ёзувчи, публицист Ўрозбой Абдурахмонов Амударё ва Сирдарёни қорақалпоқ қизининг тақимиини ўлган икки ўрим сочига ўхшатган эди.

Бугун Оролга онанинг икки кўксидан сут келмай қўйди, қорақалпоқ қизларининг узун кокиллари ҳам Ўрозбой оға айтганидек, кестирилди, сочлар қизлар тақимига етмай таппиниб қолди.

Қисқароқ қилиб айтганда, Сирдарё ва Амударё сувларидан шафқатсизларча, кўр-қўрона фойдаланиш оқибатида Орол денгизига бу икки дарё суви етиб бормай қўйди. Қон томирлари, жон томирлари, ҳаёт томирларидан айрилган денгиз бўғлиниб-бўғлиниб ҳавога кўтарилиб, қуриб бошлади. Ҳалокат юз берган, Орол ҳақида муҳокама, баҳс-мунозаралар бошланди.

СССР деган давлат парчалангач, Марказий Осиё давлатлари ўртасида минтақадаги экологик ва ижтимоий кескинликни пасайтириш, сув ресурсларидан тенг ҳуқуқли ва самарали фойдаланиш бўйича ҳужжат қабул қилинди. Фақат

маҳрум эди.

— Тўғриси, биз мўйноқданмиз, дейишга илгари тортинардик, меҳмон келадиган бўлса, уялардик дейди, — Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан Мўйноқда биринчи бўлиб тақдирланган Сапура Қайларова. — Ҳозир меҳмон келса, фахрланиб кўрсатадиган жойлар кўпаймоқда.

Президентимиз Мўйноққа келиб, аҳоли вакиллари билан ўтказган учрашувда мен ҳам қатнашиб, сўзга чиқандим. Бу воқеа бир умр ёдимда қолади. Президентимизнинг Мўйноқ келажаги, ёшлари учун яратиладиган шароитлар ҳақида айтганлари бизга куч бағишлади. Шу учрашувдан сўнг орадан ўн беш кун ўтган, спортнинг ушу тури бўйича Осиё чемпиони бўлдим. Бу галабам Президентимизнинг биз мўйноқлик ёшларга кўрсатётган ғамхўрлигига бир кичкина жавоб бўлди, деб ўйлайман.

Шу йил баҳорда Тошкентда Президентимиз қўлидан Зулфия мукофотини олаётганимда хурсандчилигимдан кўз ёшларимни тўхтаста олмагандим. Президентимиз нишонни кўксимга тақиб қўйган, биласизми, нима деди? «Мўйноқликларга салом айтинг, янада юксак марраларга етинг», деди. Бу сўзлар мукофот устига мукофот бўлди. Мўйноққа қанот чиқариб, учиб келгандек бўлдим, Ўртбошимиз саломини етказдим. Ҳозир Қорақалпоқ давлат университетининг 3-курс талабасиман. Ўқийоти тугатган, Мўйноққа бориб, ёшлар ўртасида спортни ривожлантиришга, чемпионлар чиқишига ёрдам бермоқчиман.

Қаранг, яқин-яқингача ёшлар Мўйноқдан кетиб қолишадиганди, энди улар Мўйноққа қайтишмоқчи. Аждодларидан қолган бу ҳудудни обод қилишмоқчи...

МЎЙНОҚ ИМКОНИЯТЛАР МАЙДОНИ

Узоқ йиллар давомида Мўйноқ туманига муаммолари қалашиб ётган ҳудуд сифатида қараб келинди. Гўё бу ерлар фақат сарф-харажат талаб этадию фойда бермайди. Бугун масалалар ёндашув ўзгарди, Мўйноққа муаммолар макони, деб эмас, балки имкониятлар майдони сифатида қаралмоқда. Оролнинг қуриган ҳудудлари, экологик фожиялари оқибатини юмшатиш, одамлар учун муносиб турмуш шароити яратиб бериш ишлари давом эттирилади, албатта. Аммо Мўйноқ туманининг бепоян ҳудудларида, ҳатто денгизнинг қуриган ҳудудларидан ҳам иқтисодийни юксалтириш, халқ манфаатлари учун фойдаланишга киришилди. Нима ишларни амалга ошириш, қандай фойда қўриш мумкинлигини Президентимиз тушунтирди. Орол денгизи тубидаги қуриган ҳудудларда 500 минг туп қўчат экиш топшириғи берилди. Орол денгизининг қуриган майдонда саксовул ўруғи, қўчатни экиш, чорва учун озуқабоқ экинлар экиш, артизан қудуқлари қазиб каби юмушларга 1 минг 560 киши, 462 техника ва 2 самолёт жалб этилди. Мўйноқликлар бундай гайрат-шайоқли, журъатли, шиддатли ишларни кўрмаганди. Мўйноқ атрофида қамиш қўлпиғи хисрога олинбди, уни қайта ишлаб, бозорбоқ қурилиш материаллари тайёрлаш қорхонасини барпо этишга киришилди. Сув ҳавзаларида балиқчиликни ривожлантириш, балиқни қайта ишлаш орқали янги иш ўринлари яратиш зарурлиғи айтилди. Чорвачилик, айниқса, эчкичиликни ривожлантириш, унинг жунидан турли маҳсулотлар тайёрлаш имкониятларидан самарали фойдаланиш вазифаси илгари сурилди.





Оролдан қайтаётиб, яна Мўйноқда тўхтадик. Бузилаётган, қурилаётган уй-жойлар, биноларни суратга олдик, одамлар билан суҳбатлашдик. Уларнинг ҳар бири ҳаяжон билан тўлиб-тошиб, фахр-ифтихор билан сўзлади.

Бу ерда амалга оширилаётган ишлар нафақат мўйноқликларни, узоқ-узоқдан келган меҳмонларни ҳам қувонтирмоқда. Қаранг, қувномай бўладими, 245 ўринли маданият уйи, 1000 ўринли стадион ва 800 ўринли афимтеатр фойдаланишга топширилди. Яна ўнлаб объектлар Ўзбекистон мустақиллигининг 28 йиллиги арафасида фойдаланишга топширилиши режалаштирилган. Айтишларича, 580 оила янги уйли бўлади, мўйноқликлар янги Мўйноққа эга бўлишадди. Овуларда ҳам янги тиббиёт масканлари, мактабгача таълим муассасалари, йўллар қурилмоқда, ичимлик суви, газ қуварлари тортиб келинмоқда...

Одамлар елкасидан ташвиш, муаммолар тоғи ағдарилмоқда, кўнглиларга чўккан қоронғу пардалар сидириб ташланмоқда. Одамларга оруз хаваслар қайтмоқда, фахр-ифтихор қайтмоқда, шодлик қайтмоқда, улар юзларига табассум қайтмоқда. Кўнглиларда ишонч денгизи мавжланмоқда, шовулламоқда, қудратини кўрсатмоқда...

Эрта тонгда, салқинда Мўйноқдан Нукусга овландик. Қуёш эндигина қизариб қурилмоқда, майин, ёқимли шабада эсяпти. Тонг ёришгандан ёришиб бормоқда, Мўйноқда янги тонг оتماди, оруз ниятларга, янгиликларга тўла тонг, гўзал бир тонг...

Сафар ОСТОНОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.



Ватанимизнинг дунёнинг ривожланган давлатлари қаторидан ўрин олиши, барча соҳалар каби матбуот ва оммавий ахборот воситалари равнақига ҳам бевосита боғлиқдир.

АНЖУМАН

Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази томонидан оила институтини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилган ишлар сарҳисоби бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Ажрашиш учун

ариза берган
878 та оила
яраштирилишига
эришилди

Тадбирда аввало «Оила» маркази зиммасига юкланган вазифалар ва уларнинг ижроси бўйича бажарилаётган ишлар ҳақида ахборот берилди. Жамиятда замонавий намунали оила мезонларини жорий этиш, оила институтини мустаҳкамлашга қаратилган норматив-ҳуқуқий базани янада тақомиллаштириш, фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотларни ташкил этиш, давлат ва нодавлат ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтларини оилани мустаҳкамлаш гоёси атрофида бирлаштириш, шунингдек, мамлакатда фақат соғлом оила, соғлом жамият устуни бўлиши тўғрисидаги тушунчани аҳоли онига синдириш каби вазифалар «Оила» марказининг беш мақсади экани таъкидланди. Бу юксак вазифаларни амалга ошириш ишларига етакчи олимлар, психологлар, ҳуқуқшунослар, оилашунос экспертлар, шунингдек, хорижий мутахассислар кенг жалб этилгани айtilди.

Марказимиз томонидан қатор ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда оила мустаҳкамлигига салбий таъсир қилувчи ҳуқуқий нормалар инвентаризациядан ўтказилиб, қонуни ва қонуности ҳужжатларига қўшимча ва ўзгаришлар киритиш бўйича Оила, Меҳнат, Уй-жой, Жиноят ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларнинг жами 1 минг 658 та модда таҳлил қилиниб, уларга нисбатан 50 та таклиф берилди, — дейди «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази директори ўринбосари Дилбар Алимжанова. — Бундан ташқари, марказ томонидан олиб борилган тадқиқотлар натижасида ишлаб чиқилган методика, чора-тадбирлар ва тавсиялар асосида ажрашиш учун ариза берган 878 та оила яраштирилди. Ажрим ёқасига келиб қолган 13 минг 493 оила тикланди ва 21 минг 293 нафар бола ярим етим бўлишдан сақлаб қолинди. Шунингдек, республикамиз бўйича 15 минг 102 та қийин ҳаётли вазиятга тушиб қолган оила муаммолари таҳлил этилди ва 8 минг 458 нафар ночор оилага ёрдам кўрсатиш бўйича «Йул хариталари» ишлаб чиқилиши натижасида 2 минг 670 нафар оиланинг муаммолари ҳал этилди.

Шунингдек, оила институтини ривожлантириш борасидаги ислохотларни ёритиш мақсадида таъсис этилган «Марказий Осиёда жамият, гендер ва оила» номли халқаро илмий журналининг тахрир кенгаши таркибига Россия, Қозғистон, Қирғизистон, АҚШ ва Буюк Британия олимлари жалб этилди. Бундан ташқари, марказ томонидан ёш йигит-қизларни оилавий ҳаётга тайёрлашнинг замонавий услуби сифатида «Бўлғуси келин-куёвлар инновацион мактаби» ташкил этилди. Ушбу мактабларда бўлғуси келин-куёвлар учун оилавий муносабатларнинг маънавий-ахлоқий асослари, оила иқтисодиёти, оиладаги иқтисодий муҳит, никоҳ муносабатлари, соғлом турмуш тарзи, мулоқот маданияти ва оилавий низоларнинг олдини олиш каби масалалар юзасидан маҳорат дарслари ўтилмоқда. Мазкур мактабларда шу кунга қадар 12 минг 564 нафар бўлғуси келин-куёв таълим олди. Уларга «Оила» маркази томонидан тайёрланган «Мустаҳкам оилага йўлланма», деб номланган ён дафтарча шаклидаги қўлланма топширилди ва ёшларнинг «Оила сабоқлари» номли мобил иловга ўлинишлари таъминланмоқда.

Матбуот анжуманида, шунингдек, оила институтини мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган ишлар самарадорлигини янада оширишга қаратилган режалар ҳуқуқсуда ҳам маълумотлар берилди.

Дилдора Йўлдошева,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

КОНФЕРЕНЦИЯ

Бу борада Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг IV конференциясида маълум қилинди.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонуңчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳамда давлат ва жамоат ташкилотларининг матбуот хизмати раҳбарлари иштирок этди.

Анжуманда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг муваффақияти, республикамизнинг дунёдаги ривожланган, замонавий давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаши, барча соҳалар қатори, оммавий ахборот воситалари ривожини, медиа-тузилмаларда фаолият юритаётган журналистларнинг билим ва малакаси ҳамда ўз ишига масъулиятли ёндашишга боғлиқ эканлиги таъкидланди. Шунингдек, бугунги кунда мамлакатимизда 1 минг 726 оммавий ахборот воситаси рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг 667 таси газета, 398 таси журнал, 5 таси ахборот агентлиги ҳисобланади ва 70 та телеканал ҳамда 37 радио канал фаолият юритаётгани тўғрисида ҳам маълумот берилди.



Журналистларнинг касб этикаси кодекси қабул қилинди

Конференцияда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Саъдулла Ҳақимов, «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари Бош муҳаррири Сафар Остонов, «Жаҳон адабиёти» журналы Бош муҳаррири Аҳмаджон Мелибоев, «Ishonch» ва «Ishonch-Doverie» газеталари Бош муҳаррири Хусан Эрматов, Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ректори, Халқаро пресс-клуб раҳбари Шерзод Қудратхўжаев ва бошқалар сўзга чиқиб, Президентимизнинг соҳа ходимларининг касб байрами муносабати билан йўллаган табригиде билдирилган фикрлар бугун мамлакатимизда бўлаётган улкан ўзгаришлар барчамиздан янгича ишлашни, янги гоё ва ташаббуслар билан майдонга чиқишни талаб этаётганини таъкидладди.

Дарҳақиқат, юртимизда кечаётган ислохотларнинг муваффақияти, Ватанимизнинг дунёнинг ривожланган давлатлари қаторидан ўрин олиши, барча соҳалар каби матбуот ва оммавий ахборот воситалари равнақига ҳам бевосита боғлиқдир. Бугун оммавий ахборот воситаларига кўрсатилаётган алоҳида эътибор туфайли мил-

лий журналистикамизда фикрлар ранг-баранглашуви тобора яққолроқ кўзга ташланмоқда. Энг тезкор ахборот воситаси ҳисобланган интернет ҳаётимизга тобора чуқур кириб бормоқда. Бугунги кунда глобал тармоқларда оммавий ахборот воситаси сифати таъминлаш олинган ДУ домени веб-сайтлар, ахборот порталлари сони 533 тани ташкил этади ва уларнинг аксарияти нафақат ўзбек, балки кўпгина хорижий тилларда ҳам фаолият кўрсатаётгани, ушбу йўналишда, яъни интернет журналистлари ва блогерлари сафти тобора кенгайиб бораётгани эътиборга сазовордир.

Президентимизнинг маданият, санъат ва оммавий ахборот воситалари ходимларини қўллаб-қувватлаш, улар меҳнатини қадрлаш, зарур шароит ҳамда имкониятларни яратиш борасида қабул қилган бир қатор қарорлари маънавий-маърифий ҳаётимизда катта воқелик бўлди. Уларнинг ижросини таъминлаш борасида эса тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Давлатимиз раҳбарининг қароридан сўнг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан «Илҳом» жамоат фонднинг Устави ва Низоми тасдиқ-

ланди. Шу билан бирга, фонднинг Ҳомийлар кенгаши ташкил этилиб, фонд ўз фаолиятини бошлади.

Президентимизнинг «Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси фаолиятини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида қўллаб-қувватлаш бўлими ташкил этилди. Ушбу бўлимнинг асосий йўналишлари тўғрисидаги, шу билан бирга, беш йиллик фаолияти бўйича тафтиш комиссияси ҳисоботи эшитилди ва маълумотларининг касб этикаси кодекси қабул қилинди ва касб этикаси бўйича жамоатчилик кенгаши низоми тасдиқланди ҳамда уюшмага аъзолик билан боғлиқ масалалар, шунингдек, уюшма уставига ўзгариш киритиш тўғрисида ва келгусидаги режалар атрофида муҳокама этилди.

Бундан ташқари, Президентимизнинг ташаббуси билан Журналистлар ижодий уюшмаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси товар хом-ашё биржаси акциядорлик жамияти ўртасида тузилган «Дуст-

лар клуби» уюшма фаолиятини ва журналистларни қўллаб-қувватлаш бўйича қатор лойиҳаларни амалга оширди. Хусусан, «Йилнинг энг фаол журналисти», «Олтин қалам» каби ижодий танловлар оммавий ахборот воситалари ходимларининг янада фаоллашуви, илохотлар муҳитини халқимизга етказишда муҳим омил бўлмоқда.

Айни пайтда халқаро ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, журналистлар ҳақидаги маълумотлар базасини яратиш, соҳа ходимларининг касбий билим ва маҳоратини муттасил ошириб бориш, устоз ижодкорларнинг маҳорат мактабини шакллантириш долзарб эканига алоҳида эътибор қаратилди.

Конференцияда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг 2014-2019 йиллардаги фаолияти ҳақидаги ҳисобот ва уюшманинг келгуси фаолиятининг асосий йўналишлари тўғрисидаги, шу билан бирга, беш йиллик фаолияти бўйича тафтиш комиссияси ҳисоботи эшитилди ва маълумотларининг касб этикаси кодекси қабул қилинди ва касб этикаси бўйича жамоатчилик кенгаши низоми тасдиқланди ҳамда уюшмага аъзолик билан боғлиқ масалалар, шунингдек, уюшма уставига ўзгариш киритиш тўғрисида ва келгусидаги режалар атрофида муҳокама этилди.

Тоштемир Худойқўлов,
«Ўзбекистон овози» мухбири.


БИЛАСИЗМИ?

Йўлнинг қатнов қисмида электрон воситалардан фойдаланиш тақиқланади

Қонуңчиликка кўра йўлнинг қатнов қисмида, шунингдек, пиёдалар ўтиш жойларида ҳаракатланаётган пиёдаларга телефондан фойдаланиш, теле- видеомаҳсулотларни кўриш, радио-аудио-маҳсулотларни эшитиш, китоб ёки даврий матбуот ўқиш, ҳамда эътиборни чалғитадиган бошқа электрон воситалардан фойдаланиш тақиқланади.

Мазкур талабларга риоя этмаслик эса пиёдаларнинг маъмурий жавобгарликка тортилишига сабаб бўлади.

Ўқишни қайта тиклаш бўйича аризаларни топшириш ва кўриб чиқиш бир йилда икки марта амалга оширилади



Олий таълим муассасалари талабаларининг ўқишини қайта тиклаш бўйича аризаларни топшириш ва кўриб чиқиш бир йилда икки марта амалга оширилади:

— ўқишини кузги семестрга қайта тиклаш бўйича ариза топшириш — ҳар йили 15 июлдан 5 августга қадар;

— ўқишини баҳорги семестрга қайта тиклаш бўйича ариза топшириш — ҳар йили 15 январдан 25 январга қадар давом этади.

Қайта тиклаш бўйича қарор қабул қилиш:

— кузги семестрга қайта тиклаш учун — ҳар йили 5 августдан 30 августга қадар;

— баҳорги семестрга қайта тиклаш учун — ҳар йили 25 январдан 15 февралга қадар амалга оширилади.

Ота-онага ҳам алимент тўланади

Қонуңчиликка кўра, воёга етган, меҳнатга лаёқатли болалар меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож ўз ота-онасига таъминот беришлари ва улар тўғрисида ғамхўрлик қилишлари шарт.

Ота-онанинг давлат ва нодавлат муассасалари қарамоғида эканлиги воёга етган меҳнатга лаёқатли болаларни ота-она ҳақида ғамхўрлик қилиш ва уларга моддий ёрдам кўрсатиш мажбуриятидан озод қилмайди.

Воёга етган, меҳнатга лаёқатли болалар ўз ота-онасига ихтиёрий равишда моддий ёрдам беришдан буйин товласалар, ота-она талабига кўра, таъминот сўднинг ҳал қилув қарорига асосан белгиланади. Бунда ота-онага алимент миқдорини белгилашда суд воёга етган, меҳнатга лаёқатли болаларнинг барчасини ҳисобга олиши лозим.

Ёш оилаларга

микрокредитлар берилади

— оилавий тадбиркорликни ташкил этиш учун; — микрофирмалар, кичик корхоналар, оилавий корхоналар, фермер хўжаликлари, шунингдек, юридик шахс макромига эга бўлган деҳқон хўжаликлари дастлабки (бошланғич) сармоясини шакллантириш учун; — яққа тартибдаги тадбиркорлик, микрофирмалар, кичик корхоналар, оилавий корхоналар, фермер ва деҳқон хўжаликларини кенгайтириш ва ривожлантириш учун.

Кредитлар қуйидаги имтиёзли шартлар асосида берилади: — оилавий тадбиркорликни ташкил этиш учун микрокредитлар бўйича фойз ставкаси Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасидан ортиқ бўлмаган миқдорда ўрнатилади; — ипотека кредитлари уч йиллик имтиёзли давр билан фойз ставкаси Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасидан ортиқ бўлмаган миқдорда белгиланади; — молиявий истеъмол кредитлари олти ойлик имтиёзли давр билан фойз ставкаси Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасидан ортиқ бўлмаган миқдорда белгиланади.

Адлия вазирлигининг телеграмдаги «Huquqiy axborot» канали

Эълон

Бобур номли халқаро жамоат фонди томонидан муомалага чиқарилган, баҳоси 2000 сўм қийматидagi «Бахт қуши» лаҳзали пул-буом хайрия лотереясининг 13-чиқариш ўйинлари тугатилганлиги муносабати билан ютуқ чиққан билетлар 2019 йил 20 ноябрга қадар қабул қилинади. Кечиккан ютуқ соҳибларига ютуқлар тўланмайди.

Бобур номли халқаро жамоат фонди

Унвони хокисорлик

Ҳаётда рўй берадиган ҳар бир воқеа-ходисотларнинг сабаби мавжуд. Уларни аниқлаш тегишли ҳулосалар ва тўғри қарорлар чиқаришга ёрдам беради.

Инсон фақат жамиятда яшай олади. Унинг бир ўзига энг қулай шароитлар яратиб берилса ҳам, бундай ҳаётдан қониқмайди. У тили бир хил, зехинияти ва маънавияти яқин одамлар орасида яшаса, фаолият юритса, бахт ҳиссини туйган ҳолда умргузаронлик қилади. Инсонлардаги ана шу айтилган зехиният ва маънавият қандай шаклланади?

Биринчи навбатда, бунга одамча улғаяётган муҳити таъсир қўрсатади. Муҳитни эса ундан ёши улғурроқ, билимли, ўқимшли, маданиятли одамлар яратади. Ўз ўзидан тушунарлики, маданий муҳитда ўсган инсон дунёни, ҳаётни яхши англайдиган, умрини зоо кетказмайдиган, атрофидаги одамларга, халқига катта нафи тегадиган зот даражасига етади. Шунингдек, одамнинг ўзи ёшлигидан бу ҳаётдаги ўз вазифасини аниқлаб, олдига мақсадлар қўйиб, ўқишга, билишга интилиб, бу йўлда бетиним ҳаракатлар қилса, худди шундай чўққиларга чиқиш бахтига муяссар бўлади.

Мен устоз Абдуқаҳҳор Иброҳимовни ана шундай, ўз атрофида маданий муҳит ярата олган инсонлардан деб биламан. Бундай инсонга яқин юрсангиз, суҳбатларидан баҳраманд бўлсангиз, албатта яхши томонга ўзгараёсиз. Бу зотдаги билимга интилиш, ижодий фикрлаш, нафақат яқин атрофдаги воқеаларни, балки жамиятда ҳукм сураётган жараёнларни ҳолис таҳлил

қила олиш қобилиятига тан бермай илож йўқ. Утган асрининг 90-йиллари бошида, Ватанимиз янги мустақилликка эришган даврда устознинг ана шундай таҳлилий долзарб мақолалари илк илҳомий ўзгаришларга кучли туртки бўлганини тез-тез эслаб тураман.

Абдуқаҳҳор Иброҳимов миллимиз тарихини жуда яхши биладиган одам. Қайси давр ҳақида сўраманг, албатта тўлиқ ва қониқлиқ жавоб олишингиз мумкин. Бир кунги, томинан 2000-йиллар боши эди, уйимга, ҳозирда марҳум, ёзувчи Алишер Мақсумов таширф буюрди. Анча суҳбатлашган, кўчага чиқдик. Маҳалламизда устозни кўриб, ҳол-аҳвол сўрашдик. Алишер Мақсумов имкониятдан фойдаланиб, Абдуқаҳҳор Иброҳимовга дарҳол саволлар ёғдира бошлади. У Тошкентни генерал Черняев томонидан қандай босиб олингани, шаҳар аҳолиси қандай ҳимояланганлари тўғрисида маълумотлар сўради ва қониқлиқ жавоб олди. У даврда мен тарих билан унча қизиқмас эдим. Лекин, устоз томонидан берилган маълумотлар жуда қимматли эканлигини ҳис этдим. Орадан бир қанча ойлар ўтди ва «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида, кейинроқ «Шарқ юлдузи» журналида Алишер Мақсумовнинг «Амирлашқар Алимқул» номли та-

рихий ҳикояси эълон қилинди.

2006 йилда Абдуқаҳҳор Иброҳимов ўзининг жиддий ва кенг қамровли китобини чоп этди. Унинг номи «Ёруғлуг» эди. Бу асарни қўлига олган ҳамда дарҳол савол тўғилади: Нега номи «Ёруғлик» эмас? Хулоса қилдимки, шундай аталса, сарлавҳа филологияшуносларга эга бўлиб қолар эди. «Ёруғлуг»дан эса маънавият тўқинлари уфғуриб турарди. Ҳақиқатдан ҳам, китобни синчиклаб ўқиб чиқсангиз, қалбингизга олам-олам ажиб хисларга, билимларга тўлиқ маълумотлар кириб келади. Бу асарда ўзбек миллияти тарихига оид жуда кўп ахборотлар бор. Мен ўша даврда Ватанимиз тарихига ўтган азиз-авлиёлар тарихига мурожаат қилиб, улуг зот — хожагон тариқати вакили, Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанддек валийини тарбиялаган Ҳазрат Сайид Амир Қуллопнинг ҳаёти ва таълимотлари тўғрисида асар ёзаётган эдим. Бу асар ижодим жараёнида жуда асқотди. Ундан кўп зарур маълумотлар олдим.

Юқорида эслатган ўз асарим битган, биринчи бўлиб устозга ўқиб, фикр билдириш учун бердим. Устоз бундай асар ўзлари учун янгилик бўлганини, аjoyиб чиққанини айтди ва айрим камчиликларни тузатишим кераклигини ҳам сўзлади. Бундай ўғитлари учун у зотдан ҳали

Одамнинг ўзи ёшлигидан бу ҳаётдаги ўз вазифасини аниқлаб, олдига мақсадлар қўйиб, ўқишга, билишга интилиб, бу йўлда бетиним ҳаракатлар қилса, худди шундай чўққиларга чиқиш бахтига муяссар бўлади.

Ҳисобот даврида жами 4 минг 581 иш тарафлар ўзаро келишганлиги, ярашганлиги сабабли тугатилган.

НИЗОЛАШГАНДАН КЎРА, мураса маъқул

Жамиятда ҳар қандай инсон бошқалар билан мулоқот қилиши, ўзаро муносабатда бўлиши табиий. Одамлар бир-бири билан фикрлашади, бир-бирини қўллаб-қувватлайди... Баъзан икки кишидан бирининг сўзида турмаслиги, ваъдасини бажармаслиги кўнгилсизликларга сабаб бўлади. Айтилик, кимгадир пул зарур бўлди, таниши қарз бериб турди, қарз вақтида қайтарилди. Ўртада ҳеч қандай муаммо йўқ, иккала тараф ҳам хурсанд. Лекин аксинча бўлса-чи, айтилик, қарз қайтарилмаса-чи? Унда қарз берувчи ва қарз олувчи ўртасида низо пайдо бўлади ва бу албатта ортиқча вақт, асаббўзарлик ва адвокат хизмати, давлат божи билан боғлиқ сарф-харажатни талаб қилади. Булар-ку майли, энг ёмони тарафлар ўртасидаги низодан дўстлик, қўшничилик, қавму қариндошлик, ака-укалик, қўда-андачилик каби муносабатларга путур етади.

Низо келиб чиқмаслигининг асосий омили эса, аввало фуқароларнинг ҳуқуқий билим ва онгига, ўзаро муносабатда бир-бирига ҳурмат ва эътибор билан муносабатда бўлишлари ҳамда қонун устуворлигини тан олишларига боғлиқдир. Бир тараф иккинчи тарафнинг ҳуқуқларини тан олмаслиги ўртада низо келиб чиқишига асос бўлади.

Суд амалиёти қиёсий таҳлиладан қўрилишича, 2019 йилда низолар сезиларли даражада камайган. Хусусан, фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан 2019 йилнинг биринчи ярмида 91 минг 744 иш қўрилган бўлиб, ушбу кўрсаткич 2018 йилнинг шу даврида 119 минг 823 та ишни ташкил этган.

Жорий йилнинг биринчи ярмида Республика фуқаролик ишлари бўйича судлари томонидан қўрилган 91 минг 744 та ишнинг 63 минг 613 таси даъво тартибидида қўрилган.

Судлар томонидан даъво тартибидида 13 минг 21 қарз ва кредит шартномалари билан боғлиқ низолар, 14 минг 580 таси турли битимлар билан боғлиқ низолар, 1 минг 267 тасини меҳнат низолари, 1 минг 347 таси бола таъминоти учун алимент ундириш ҳақидаги, 652 таси турар жойдан кўчириш ҳақидаги, 571 таси олди-сотиш шартномасидан келиб чиққан низолар бўлиб, мазмунан ҳал этилган.

Ўтган олти ойда никоҳдан ажраллиш ҳақидаги даъво бўйича жами 18 минг 92 иш судлар томонидан мазмунан қўрилиб, шундан 11 минг 153 (61,6 фоиз) даъво қаноатлантирилган, 6 минг 939 даъво талабларининг бир қисми рад этилган, бир қисми ярашганлиги сабабли иш юритишдан тугатилган.

Ҳисобот даврида жами 4 минг 581 иш тарафлар ўзаро келишганлиги, ярашганлиги сабабли тугатилган.

Бундан ташқари, судлар томонидан 15 минг 807 та алоҳида тартибда юритиладиган ишлар ҳам қўрилиб, 11 минг 719 ариза қаноатлантирилган. Судлар томонидан қарийб

43 миллиард сўмлик қарздорликни ундириш бўйича 38 минг 630 та суд буйруқлари чиқарилган. 2018 йилнинг шу даврида ушбу кўрсаткич 238 минг 166 та суд буйруғини ташкил этганлиги, суд буйруғи чиқариш ҳақидаги талабларнинг кескин камайганлиги фуқароларимизнинг солиқ ва бошқа тўловларини, хусусан, фойдаланилган электр энергияси, газ, сув ва бошқа хизматлар учун тўловларни тўлаш билан боғлиқ ўз бурчиларини ихтиёрий бажаришга бўлган муносабати ўзгарганлигини кўрсатади.

Шунингдек, судлар томонидан турли низоларнинг олдини олиш борасида 2500 дан зиёд хусусий ахримлар чиқарилган, аҳоли ўртасида 2 минг 317 мартаба суҳбатлар ўтказилган ҳамда аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида оммавий ахборот воситалари орқали мингдан зиёд чиқиш қилинган. 35 минг 209 иш сайёр суд мажлисларида қўрилган.

Куни кеча фуқаролик ишлари бўйича судларнинг ярим йиллик иш фаолияти, суд амалиёти таҳлили муҳокама қилиниб, судларга келгусидаги фаолиятларида ишларни ўз муддатида ва қонуний ҳал этишда асосий эътиборни тарафларга ҳуқуқларини тушунтирган ҳолда келиштириш орқали ҳал этишга, айниқса, оилалар барбод бўлишининг олдини олиш масаласига қаратиш тавсия қилинди. Чунки ҳар қандай фуқаролик низосини тарафларга ҳуқуқларини ва амалдаги қонун талабларини тушунтириш орқали яраштириш, келишув битими тузиш йўли билан ҳал этиш мумкин. Қачонки, тарафлар ўзаро келишса, улар ўртасидаги муносабатлар ҳам сақлаб қолинади. Зеро, жамиятими инсонлар ўртасида соғлом муносабатлар қарор топиши, фуқаролар бир-бирларини қадрлаши, ҳурмат қилишдан манфаатдордир.

Холмўмин ЁДГОРОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий суди раиси
ўринбосари.



Ярашув институти

халқимизга хос кечиримлилиқ ва инсонпарварликнинг ёрқин намунаси

МУСТАҚИЛЛИК ВА ҲУҚУҚ

Дунёда қанча давлат, миллат бўлса, уларнинг бир-бирига ўхшамайдиган ўзига хос жиҳатлари кўп. Ўзбек халқи ҳақида гап кетса, бир-бирининг қувончига шерик бўлиш, мусибатидан қайгуриши, адашиб, хато қилганларни тўғри йўлга солиши, кечиримлилиқ каби олижаноб фазилатлари эътироф этилади. Суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш ҳамда демократлаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар, айниқса, жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши ва ярашув институтининг жорий этилиши халқимизнинг инсонпарварлик ва кечиримлилиқ хусусиятини тўла намоён қилди.

Бугун суд тизимида кенг қўлланилаётган ярашув янги ҳуқуқий усул бўлса-да, у миллий қадрият сифатида асрлар давомидида такомил топиб келган. Бугунги кунда ярашув институтидан самарали фойдаланилмоқда.

2001 йилда қабул қилинган «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун муҳим аҳамиятга эга. Мазкур қонун мамлакатимизда ҳуқуқий демократик жамият қуриш йўлидаги ислохотларни чуқурлаштиришда муҳим қадам бўлди. Бунинг натижасида минглаб фуқаролар «қамалган», деган тамгадан асраб қоплини, минглаб оилалар ўртасида душманлик кайфияти пайдо бўлишига тўсик қўйилди ва фуқаролар манфаати ишончли ҳамда самарали ҳимоя қилиниши таъминланди.

Мустабид тузум даврида эса айтилик, автоулов ҳайдовчиси йўл ҳаракати қоидаларини бузиб, йўловчига тан жароҳати етказса, гарчи у пушаймон бўлиб, жабрланувчига етарлича ёрдам кўрсатган тақдирда ҳам жиноий жавобгарликка тортиларди. Бундан унинг оиласи ҳам азият чекар ва фарзандлари тарбиясига салбий таъсир кўрсатарди.

Ярашув институтининг жорий этилиши билан бундай нохуш вазиятга барҳам берилди. Қадриятларимиз ва халқимизнинг тарихий анъаналарига мос тушадиган бу институт ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган жиноят содир этган ва қилмишдан чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, жабрланувчи билан ярашган ҳамда етказилган зиёни қоплаган фуқаролар жиноий жазодан озод этилган бўлди. Жуда кўп фуқароларимиз жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши нечоғли инсонпарвар эканини ўз ҳаётларида

англаб етдилар. Энг асосийси, судланувчи ярашув орқали «судланган», деган тамгадан халос бўлади. Шунингдек, дастлабки тергов ишларини олиб бориш ва ишни судда кўриб чиқиш учун сарфланадиган муддатлар анча қисқаради.

Ярашув институтининг афзаллиги шундаки, биринчидан, жабрланувчига етказилган зарар тез ва тўлиқ қопланиши таъминланади. Яъни, унинг манфаатлари устувор саналади. Иккинчидан, жиноят содир этган шахс жиноий жавобгарликдан озод этилгани учун судланмаган қўрсатиб ўтган. Суд ажримига кўра, жиноят иши тарафлар ярашганлиги муносабати билан ҳаракатдан тугатилди.

Яна бир мисол. Яшнобод туманида яшовчи Р.Маншурматов «Спарк» русумли автомашинасида пидёа Ф.Тошевани уриб юбориб, тан жароҳати етказган. Дастлабки терговда гумонланувчи Р.Маншурматов ва Ф.Тошева ариза билан мурожаат қилиб, жиноят ишини ярашганликлари муносабати билан тугатишни сўраган.

Суд жабрланувчи ва гумонланувчининг аризаларини жиноят иши билан ўрганиб чиқди. Тарафлар ярашганликлари муносабати билан Р.Маншурматовга оид жиноят ишини унинг айбилик ҳақидаги масалани ҳал қилмасдан ҳаракатдан тугатди.

Қисқаси, ярашув институтининг амалда кенг қўлланилиши ўзининг ижобий натижаларини бераётир. Бу институт инсонпарварлик тамойилининг тобора кенгроқ қўлланилиши нуктаи назардан жиноят қонунда одиллик тамойилининг ўзига хос кўриниши сифатида намоён бўлмоқда.

Хулоса шуки, мустақиллик йилларида ярашув ҳуқуқий институт сифатида қонун даражасига кўтарилди. Судлар томонидан ҳозирда ярашув институтининг самарали қўлланилаётгани инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари устувор қадрият сифатида эъозланаётганининг яққол тасдиғидир.

Шерзод ЭШМАТОВ,
Жиноят ишлари бўйича
Яшнобод туман
судининг судьяси.

ЖИНОЯТ СОДИР БЎЛДИ!..

«Спарк олиб бераман...»



Шу йил 6 январь куни Олмазор туманида яшовчи 27 ёшли Д.Б. «Истеъмола бўлган автотранспорт воситалари ва эҳтиёт қисмлари» бозорига таниши, Сергели туманида яшовчи 33 ёшли К.М. исми аёлга «Спарк» русумли автомашина олиб беришни ваъда қилиб, 6 400 АҚШ долларини олган. Бироқ ваъдасини бажармасдан пулни ўз эҳтиёжи учун ишлатиб юборган. Д.Б. ушланган.

Жиноят иши кўзгатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Мактаб ўқувчилари
жанжали



12 июль куни Фарғона вилоятининг Ўзбекистон туманида яшовчи Қ.А. ИИБга мурожаат қилиб, Тоғай қишлоғидаги 27-сонли ўрта мактабнинг 11-синф ўқувчиси Ш.Р. 27-сонли ўрта мактабнинг 11-синф ўқувчиси С.Т.нинг бошига тош билан уриб, жароҳат етказганлигини маълум қилган.

С.Т. касалхонага ётқизилган. Ҳолат юзасидан Ш.Р.га нисбатан жиноят иши кўзгатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Ўйламай кўтарилган

мушт оқибати

20 июль куни Фарғона шаҳри «Маърифат» кўчасида жойлашган маиший техникалари



таъмирлаш устaxonаси ишчиси 39 ёшли З.А. иш жойида ўзаро жанжал туфайли шу устaxonа фарроши 32 ёшли Е.Р.нинг юз қисмига урган. Зарбадан аёл ерга йиқилиб воқеа жойида вафот этган, З.А. ушланган.

Жиноят иши кўзгатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Тонгда содир этилган

ўғрилиқ



19 июль куни Навоий вилоятининг Кони-мех туманида яшовчи 61 ёшли И.А. ИИБга мурожаат қилиб, шу йил 18 июль куни соат 03:00дан 04:30гача бўлган вақт оралиғида номаълум шахс Уражон овулининг дала майдонига қаровсиз қолдирилган 62 бош қўйни ўғирлаб кетганлигини маълум қилган.

Қўрилган қоралар натижасида ушбу жиноятни Нурота тумани Гафоз маҳалласида яшовчи 28 ёшли И.И. содир этгани аниқланиб, ушланган.

Ҳолат юзасидан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Аёл ўз отасини
пичоқлаб қўйди

9 июль куни соат 20:30ларда Сурхондарё вилоятининг Ангор туманида яшовчи 26 ёшли Ш.М. исми аёл уйида ўзаро жанжал оқибатида маст ҳолда бўлган отаси 50 ёшли Ш.Ю.га пичоқ билан жароҳат етказган. Натижада Ш.Ю. касалхонага ётқизилиб, Ш.М. ушланган. Тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Нилуфар ТўРАХОНОВА,
Ўзбекистон Республикаси ИИБ
Жамоатчилик ва оммавий ахборот
воситалари билан алоқалар
бошқармаси катта инспектори, лейтенант.

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети биология-тўғроқчилик ва журналистика факультетлари жамъаси биология фанлари номзоди, доцент, меҳнат фахрийси
Вазира Сайфуддинованинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

Эълон

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!

«TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖ

2019 йил 22 август куни бошлангич нархи босқичма-босқич ўсиб бориш тартибидида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади

Очик аукционга Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Муқимий кўчаси, 9-уйда жойлашган «ASAKA CAPITAL INVEST» МЧЖнинг қуйидаги ҳўжалик жамияти устав фондидаги улуши қўйилмоқда:

Т/р	Ҳўжалик жамияти номи	Ҳўжалик жамияти		Сотилаётган улушнинг ҳўжалик жамияти устав фондидаги фонзи	Аукционга қўйилаётган улушнинг бошлангич баҳоси (сўм)	Савдода иштирок этиш учун закатал пули миқдори (3%)
		манзили	асосий фаолият йўналиши			
1.	«BALAND CHAQIR TEXTILE» МЧЖ	Жиззах вилояти, Янгиобод тумани, «Баландчақир» ҚФЙ	Текстиль маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш	94,30 фонз	15 454 467 700,0	463 634 031,0

Сотувчи томонидан белгиланган очик аукцион шартлари:

Аукцион ёлиби улуши сотилиш бахосининг:

1. Савдо ёлиби улуш сотилиш бахосининг бўнак пули (аванс) сифатида камида 15 (ун беш) фонз миқдоридида қисмини олди-сотиш шартномаси асосида 90 (тўқсон) банк иш куни ичида, қолган қисмини эса 84 (саксон тўрт) ой муддат ичида сотувчининг ҳисоб рақамига тўлаши шарт.

Аукционда иштирок этиш учун талабгорнинг мажбуриятлар бажарилиши таъминлиниши сифатида тўлаган

закатал пули шартнома суммасига киритилади.

Харидор улушни ўз номига расмийлаштириш учун монополияга қарши курашиш органларидан белгиланган тартибда рухсатнома олиши шарт.

Аукционда иштирок этиш учун талабгор қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим:

юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома, устав нусхаси, шунингдек, аукционда иштирок этиш учун ваколатли вакил номига, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган

ҳолда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

жисмоний шахслар учун — паспорт (истикомат гувоҳномаси) нусхаси, аукционда ваколатли вакил қатнашган тақдирда эса, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда, қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

аукцион тўғрисида эълонда кўрсатилган банк ҳисоб-рақамига закатал ўтказилганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси.

Аукционда иштирок этиш истаги-

даги талабгорлар, юқорида кўрсатилган закатал пулини, Аукцион ташкилотчиси — «TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотекабанк» Шайхонтохур филиалидаги МФО: 00425, СТИР: 302071274, 20208000704929318001 ҳисоб-рақамига тўлашлари лозим.

Аукционда иштирок этиш учун буюртномаларни қабул қилиш, расмий иш кунларида мазкур эълон чиққан кундан бошланади ва савдо кунидан 1 (бир) кун аввал соат 18-00да тўхтатилади.

Мазкур улуш юқорида белгиланган

савдо кунидида сотилмаган тақдирда, у бўйича такорий аукцион савдолари, у сотилгунга қадар навбатдаги ҳафта-ларнинг ҳар пайшанба кунлари ўтказилади. Ушбу улуши сотилаётган қорхона билан қўйида танишиш истагида бўлган талабгорлар, унинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилига бориб танишишлари мумкин.

Очик аукцион белгиланган савдо кунлари соат 15-00да бошланади ва Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хона (Мажлислар зали) манзилида бўлиб ўтади.

Мурожаат учун манзиллар ва алоқа воситалари:

Сотувчи «ASAKA CAPITAL INVEST» МЧЖ: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Муқимий кўчаси, 9-уй; телефон (78) 120-39-00.

Аукцион ташкилотчиси: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, А.Темур шоҳ кўчаси, 16-«А» уй, 4-қават, 401-хона; телефон: (71) 233-02-49; телефакс: (71) 233-23-40, электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru.

Гувоҳнома № 005357

Энг асосийси, «масаллигимиз» бор экан, энди гап бизда қолди, промоутерликни кучайтириб, кўпроқ бокс кечаларини ташкил қилишимиз керак. Маблағни тўғри йўналтириб, барчамиз ҳам — фикрликда ишлашимиз талаб этилади. Ана шунда йигитларни увол қилмаймиз.

«ЕРТЎЛА» ЧЕМПИОНЛАРИ

ПРОФЕССИОНАЛ БОКС

Профессионал бокс турнирлари қачон кўпаяди, истеъдодларни кашф этиш қандай бўлади, жаҳон чемпионлик камарларини қачон оламыз, кимларга умид қилсак бўлади? Ўзбекистон профессионал бокс федерацияси ҳакамлар ҳайъати раиси, «Сағро» промоутерлик компанияси менежери ва мураббийи Набижон Усмонов билан суҳбат.

— Аввало, бокс клубингиз ва ютуқлар ҳақида тўхталсангиз?

— Машгулот залимизни кўп қаватли уйнинг ертўласида ўз кучимиз билан кўрганмиз. Қарийб 6 йилдан бери шу ерда жангларга тайёрланамиз. Профессионал боксчиларга катта залининг кераги йўқ, Сабаби кўп ҳолда 2-3 нафар боксчи билан битта мураббий ишлайди. Ёки 2-3 нафар мураббий бир шоғирдининг зарбалари, комбинациялари, оёқ ҳаракатларини кузатиб боради. Унга маслаҳатлар беради.

Биз тайёрлаган боксчилар ҳозирга қадар бир неча промоутерлик компаниялари билан ҳамкорликда катта жангларда қатнашиб келмоқда. Мисол сифатида WBO йўналиши бўйича кўпаларо жаҳон чемпиони Шерзод Олимжонов, WBC йўналишида Европа ва Шарқий Осиё чемпиони камари соҳиби Зоҳид Худойбердиевни айтиб ўтқиқчиман.

«Ертўла»миздан шу каби кўплаб кучли боксчилар чиқгани, мураббийлар орасида «Бу боксчи «ертўла»данми? «Ҳа, ундай бўлса хавфли экан», сингари гаплар юради. Бу ерни номи «ертўла» бўлгани билан қўриб турганингиздек, шуғулланиш учун имкониятлар яратилган. Бундан ташқари, янгида залимизни бошдан-оёқ таъмирламоқчимиз.

Уйлашимча, боксчи учун шaroитлар олий даражада бўлиши шарт эмас. Сабаби шу вақтгача ўртаҳол оилалардан кўпроқ боксчилар, чемпионлар чиққан. Чунки улар меҳнаткаш,



қийинчиликларга бардошли ва ёшланидан чиниқан бўлади. Қандайдир бир етишмовчилик ҳам уларга ўзгача ҳис-туйғу беради. Ўзи бирор-бир янги машқларни, юкпаларини ўйлаб толади. Ҳамма нарсга муҳайё бўлса, спортчининг кўзи тўйиб қолади.

Бизни бир давлатларда кўрганман, катта ва чиройли залларда барча шaroит бор, лекин у ерда боксчи йўқ, натижа йўқ. Нимага бундай? Бу уларнинг ҳамма нарсасдан тўйиб қолаётгани ҳисобида. Шунинг учун ўйлашмани, шaroитлар ўзига яраша бўлиши керак. АҚШ ва Европа давлатларидаги кучли жаҳон чемпионлари ҳам шу каби кичкина ертўлалардан чиққан. У ерга борсангиз кўришингиз мумкин, турли хил клублар ҳозиргача ертўлаларда ўзларига хос кичкина залларда жойлашган.

Бу билан умуман шaroит бўлмаслиги керак, деяртаганим йўқ. Шaroит бўлиши керак, лекин айтмоқчи бўлганим шунки, биз мана шу оддий залдан, оддий шоғирдларимиз орасидан ҳам кўплаб чемпионларни чиқарганимиз.

Бугунги кунда Абдулазиз Нахмиддинов, Элдор Саидов сингари ҳаваскор боксда катта

натижалар кўрсатмаган, лекин профессионал рингда ўзига хос жанглар ўтказиб, дунё рейтингига олдинлаб кетаётган боксчиларимиз бор. Янги боксчиларимиздан Ҳасан-Ҳусан Турекуловичлар 20 август кuni Наманганда ўтган бокс кечасида навбатдаги рейтинг жангларини муваффақиятли ўтказишди.

— Жангларга тайёргарлик жараёни қандай бўлади?

— Профессионал боксда ҳар бир боксчи жадал асосида ўзининг дастури билан шуғулланади. Нимагаки, кимнингдир жанги ойнинг бошида бўлса, бошқасиники, охирига белгиланган бўлиши мумкин. Жангга тайёрланётган боксчи спарринг вақтида 12 раунд давомиде дам олмасдан ишлайди. Ҳар бир раундда унга қарши янги чарчамаган боксчини қўйиб турамыз. Боксчида раундлар оралиғида дам оламан, деган фикр бўлмайди. Шу боксчидан ўтган, 12 раундга жангга 100 фоиз тайёр бўлади.

Бир йилдан бери «Сағро» промоутерлик компанияси билан ҳамкорлик қилямыз. Янгида Жанубий Кореянинг Сеул шаҳрида енгил — 61,2 килограмм вазнда Абдурашул Исмоилов ҳамда

Шохрух Ашуров навбатдаги рейтинг жангларини ўтказишди. 6 раундлик жангларда Абдурашул Исмоилов хитойлик Кунг Вангига катта устунлик билан, оқколар ҳисобида кўра, мағлуб этган бўлса, Шохрух Ашуров россиялик Михаил Лесняков устидан ажур устунлик билан галаба қозонди.

— Жаҳон чемпиони камарларини қачон оламыз?

— Бир неча йиллардан бери шу вазифа устида ишляпмиз. Ўзбек боксчилари, ўзбек мураббийлари, ўзбек промоутерлари Ўзбекистонда машгулотлар олиб бориб, жаҳон боксидеги WBC, WBA, WBO, IBF ва IBO йўналишлари бўйича чемпионлик камарларини барча вазналарда олиш ниятдамыз. Европа, Осиё давлатларида ҳамда боксчи юрғи бўлган АҚШда боксчи қандай ривожланаётгани, машгулот жараёнлари, бокс кечаларини ўтказиш тажрибасини ўзлаштириб, ўзимиздан ҳам янгиликлар қўшиб, бугунги кунда Аскар Абдурашидов каби кучли мураббийлар билан бирга йигитларни жангларга тайёрлапмиз.

Янгида энг оғир вазнда Энтони Жосувани нокаут қилган Энди Руиснинг мураббийи Мэнни Роблес менинг яқин дўстим бўлади. У билан профессионал ҳакамлик ва мураббийлиқни бир вақтда бошлаганимиз. Сўнгги 10 йил ичда биз кўплаб мусобақаларда, ўқув-йиғин машгулотларида қатнашдик. Ҳеч ким кутмагани энг оғир вазнда мексикалик Энди Руисни жаҳон чемпиони бўлади, деб. Бўлганда ҳам 4 камари жаҳон юлдузидан тортиб олди. Айтмоқчимани, бизда ҳам шу каби чемпион бўлиш ишқиде ёнаётган ёшларимиз бор. Бизни ҳам шу каби чемпионлик камарларини олдиган вақтимиз етиб келди.

Оддий мисол: Шерзодбек Мамажонов, деган шоғирдим 59, 61 килограмм вазн тоифаларидаги жангларда қатнашарди. Бундан бир неча йил аввал Украинанинг Киев шаҳрида бўладиган бокс кечасига бордик. Шунда унинг рақиби машгулотда жароҳат олди. Жанг қолдирилиши керак эди. Лекин ўша кечда 63,5 килограммда Европа чемпиони, жаҳон рейтингига чемпионликда даъвогар бўлиб турган украиналик Сергей Федченконинг мексикалик рақиби виза тудайли келолмади. Шунда Федченконинг мураббийларидан Шерзодбек Мамажонов билан жанг қилиш бўйича таклиф бўлди. Шерзодбек ўртаҳол боксчи эди. Лекин шу ўртаҳол боксчимиз 8 раундлик жангда қайсидир раундларда

ютди, қолган раундларда тенг жанг қилди. Ҳакамлар оқколар ҳисобида украиналик боксчини галиб, деб эълон қилишди. Бу мисолни бекорга айтмадим. Шу жангдан кейин 3 ой ўтиб, Федченко Мексикада жаҳон даражасидаги боксчи Хуан Мануэль Маркесга қарши 12 раундлик чемпионлик жангига қатнашди. Тўлиқ давом этган жангда кичик устунлик билан Маркес оқколар ҳисобида кўра галаба қозонди. 6 ойдан кейин Маркес биласизми кимни нокаут қилди? Мэнни Пакьяони нокаут қилди. Энди тушунтира олдими нима демаски бўлганимиз? Бизда бундай йигитлар жуда кўп. Агар биз ҳам ишимизни тўғри йўлга қўядиган бўлсак, жаҳон чемпионлик камарларини 1-2 йил ичда барча вазн тоифаларида олишимиз мумкин. Бунга ишончим комил.

Энг асосийси, «масаллигимиз» бор экан, энди гап бизда қолди, промоутерликни кучайтириб, кўпроқ бокс кечаларини ташкил қилишимиз керак. Маблағни тўғри йўналтириб, барчамиз ҳамфикрликда ишлашимиз талаб этилади. Ана шунда йигитларни увол қилмаймиз, халқимизни чемпионлик кайфиятидан баҳра олиш онларини кейинга сурмаймиз. Профессионал бокс бу — пуллик спорт тури. Уни қанча ривожлантирсак шунча кўп фойда оламыз. Мисол сифатида айтишим мумкин: яқинда Мэнни Пакьяо WBA суперчемпионлиги учун Кит Турманга қарши жангда галабаси эвазига 10 миллион АҚШ доллари миқдориде гонорарни қўлга киритди. Унинг рақиби эса мағлуб бўлгани учун 2,5 миллион доллар ишлаб олди. Утган йили 16 сентябрда Геннадий Головкин эса Сауль Альваресга қарши реванш жангига 30 миллион АҚШ доллари миқдориде гонорар олган эди. Бу маблағлар фақатгина боксчиларга жангда иштирок этгани учун кафолатланган гонорар ҳолос. Бундан ташқари, улар трансляциялар тушумидан ҳам улуш олишади. Энди бир ўйлаб қўлингиз ўз микрофолага шу маблағни бераётган промоутерлар қанча фойда олади? Бизнинг промоутерлар-чи?

Бугун бизда ҳам бу даражага чиқадиган йигитлар жуда кўп. Бунга 20 июль кuni «Сағро» компанияси билан ҳамкорликда Наманганнинг Норин туманида бўлиб ўтган профессионал бокс кечасида ҳам қўрдик. Бундан кейин ҳам вилоятларда ҳар ойда иккитадан бокс кечаси ўтказиш режасини тузганимиз.

— Ўзингизнинг фаолиятингиз ҳақида гапириб бурсангиз?

— Энг кучли 4 та — WBC, WBA, WBO ва IBF йўналишларида халқаро тоифадаги ҳакамман. МДХ давлатлари ичда биринчи бўлиб — WBO йўналиши бўйича жаҳон чемпионлик жангига бошлаганман. Сўнгра менежерлик, мураббийлик, промоутерлик йўналишларида ҳам иш-

дим. Боксчиларим бор, ишим бор. Шундан бахтлиман. Уларни шуғуллантириб, қўздали ўти қўриб ҳордиқ оламан, жисмоний чарчамим мумкин лекин руҳий озуқа оламан. Кўраяман даракларим ўсапти, мева беришга ҳам ош фурсат қолди. Шу билан вақт ўтганини ҳам сезмай қоламан. Галабали онлар билан, бокс кечалари орқали халқимизга қандайдир бир озуқа бериш нияти ҳам бизга иштиёқ, куч беради.

Набижон Усмоновнинг шоғирдларига айтганларидан:

— Василий Ломаченко, Александр Усик, Мэнни Пакьяони олинг, улар ҳар кuni мазага қилиб юрмайди. Соатлаб ўзини устида ишлайди. Агар ишламаса, эртага миллионлаб пул келтираётган бизнесини йўқотиб қўйиши мумкин. Бунга ишончим комил. Нима бу? Профессионаллик. Инсонни кечасио-кундузи хаёли касбига, ўзини устида ишлашда бўлиши керак. Сизларда ҳам ана шу ҳиссиёт ўйғониши керак. Уйғонмайдиган бўлса, сиз ҳеч ким эмассиз. Жаҳон чемпионлари ҳам худди сизларга ўхшаган одам. Лекин улар бошқалардан фарқи уларок кўпроқ меҳнат қилади. Шунинг учун ўз устингизда ишлашдан тўхтаманглар. Машгулот тугатгандан кейин ҳам қолиб ишлайвериш, ишлайвериш, ҳаттоларини устида ишлайвериш лозим. Бир зарбани қайтар, қайтар юз мартаб қайтар. Ҳозир шу ишни қилмасанг, кейин кеч қопсан. Эртага каттарок рейтингга чиқадиган сўнг жанглар бир-бирига уланиб кетаверад. Сизлар шунга тайёрланиб кетаверишингиз талаб этилади. Бугун тўғри урушни ўрганмасангиз, спаррингга рақибингизни қийишқ урасида жангдан олдин жароҳат оласиз ва шу билан сизларга қилинган барча меҳнат куяди.

Мэнни Пакьяо биринчи нима иш қилганини, қандай шуғулланишини биласизларми? Ахлат ташиган, бақалашка йиғган, мана бугун у меҳнатини орқасидан қанақа даражага эришди. Бир ярим соат ўзини қуздириб олгач, 5-6 соат машқ қиларкан. Шунинг учун сизлар ҳам чарчадингизми енгилроқ машқ қилиб дамингизни олинг-да кейин яна давом эттиринг. Ойинани олдида тақорланглар. Оёқ ҳаракатини, барча зарбаларни идеал даражага олиб чининг. Бунга сиздан ҳеч ким ўтказиб қилолмас. Эртадан кечгача сизни ёнингизда мураббий туриши шарт эмас. Мураббий ҳаттоларингизни айтиди, тушунтиради. Чемпион бўламан, деб келдингми иштиёқ билан шуғуллан, мақсадга ет. Бўлмаса, ўзингни ҳам, мураббийни ҳам вақтинчи олма. Бошқа иш билан шуғуллан.

«Ўзбекистон овози» муҳбири Шаҳбоз САИДОВ суҳбатлашди.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

QISHLOQQURILISHBANK

миллий
валютадаги
муддатли
«Юбилей»
омонатини
таклиф этамыз.

Омонатга маблағлар:

- 2019 йилнинг 2 августигача;
- 25 ойга қабул қилинади.

Омонатнинг юқори миқдори — 25 000 000 сўм.

Омонат фоизи — йиллик 22 %.

Ҳисобланган фоиз тўловлар ҳар ойда амалга оширилади.

ЗАВОД «KRANTAS»

производит и реализует под заказ:

ГАРАНТИЯ 1 ГОД

- Бензовозы — 4, 8, 10, 12, 16 м3.
- Водовозы — 4, 8, 12 м3.
- Вахтовые автобусы 4x4 — 22 мест, 6x6 — 26 мест.
- Комбинированные поливомоечные машины — 4, 8 м3.
- Кислотовозы — 6, 8, 10 м3.
- Автогудронаторы — 6, 8 м3.
- Полуприцепы: бензовоз, самосальный, бортовой, контейнеровоз.

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент. Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61. Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.
E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

O'ZBEKISTON OVOZI

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safer OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOYATOV	Qalandar ABDURAHMONOV	Farrux HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV	Saidkamol XODJAYEV	(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Mahmud TOIR	Muslihiddin MUHIDDINOV	To'lg'in TO'RAKONOV
	Shuhrat JALILOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — (71)233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — (71)233-12-56
Reklama va e'lonlar uchun — (71)233-47-80, (71)233-38-55
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etiladi.
Korxona manzili: Buyuk Turo ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi.
Hajmi — 4 bosma tabaq.

Gazeta haftaning seshanba kuni chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat roxusati bilan amalga oshiriladi.

Г — 751. 3616 nuxxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220.
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 22:35.
Topshirilgan vaqti — 03:50.
Sotuvda kelishilgan narxda.

Navbatchi:
Toshtemir XUDOYQULOV
Sahifalovchi-dasturchi:
Zafar BAKIROV

1 2 4 5 6